

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА
УНИВЕРСИТЕТИ

“Бошланғич таълим педагогикаси ва тарбиявий ишлар методикаси”
кафедраси

Гапирова Назокатнинг

“1-синф ўқувчиларини маънавий-ахлоқий тарбиялашда синфдан ташқари
тадбирларнинг педагогик ахамияти.”мавзусидаги

Битирув малакавий иши

Илмий раҳбар: катта ўқитувчи Б.Нормурадов

ТОШКЕНТ 2013

МУНДАРИЖА.

КИРИШ.....

I БОБ. Бошланғич синф ўқувчиларини маънавий- ахлоқий тарбиялашнинг педагогик асослари.

1.1. Ривоятлар. Халқ ривоятларида ахлоқий тарбия масалаларининг ўрни.....

1.2. Бошланғич синф ўқувчиларини меҳнатсеварлик руҳида тарбиялашда ривоятлардан фойдаланиш.....

I Боб бўйича хулоса.....

II БОБ. Бошланғич синф ўқувчиларига маънавий – ахлоқий тарбия беришда халқ педагогикаси манбаларидан фойдаланишнинг шакл ва усуллари.

2.1. Таълим - тарбия жараёнида бошланғич синф ўқувчиларини ахлоқий тарбиялашда ривоятлардан фойдаланиш имкониятлари

2.2. Бошланғич синф ўқувчиларини маънавий – ахлоқий камол топтиришда мактаб ва оила ҳамкорлиги.

II Боб бўйича хулоса.....

III БОБ. Бошланғич синф ўқувчиларини маънавий – ахлоқий тарбиялашда ривоятлардан фойдаланишга доир тажриба- синов ишлари.

3.1 Тажриба- синов ишлари ва уларнинг натижалари.....

Умумий хулоса.....

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Инсоният тарихида буюк XXI аср сари кадам қўймоқда Курраи заминимизнинг барча ўлкаларида сиёсатшунослар, иқтисодчилар , ижтимоий соҳа намоёндалари , нуфузли халқаро ташкилотлар XX асрга якуний хулосалар чиқармоқдалар . Улар томонидан бу шонли 100 йилликда босиб ўтилган тарихий йўл атрофлича таҳлил этилиб, унда нималарга эришилгани , қайси воқеа , ходисалар асримизнинг энг улуг , буюк ишлари , қайсилари туфайли инсоният азоб уқубат чекди, қайси сарқитларни ўтган асрга қолдириб, қайсиларини XXII асрга олиб ўтиш мумкин, XX асрдан қолган долзарб муаммоларни қай йўсинда ҳал қилиш мумкинлигини сарҳисоб қилинмоқда.

Ўзбекистон ҳаётида XX асрда жуда катта воқеа рўй берганини алоҳида таъкидлаш зарур. 1991-йилнинг 1-сентябрида Ватанимиз истиқлолга эришди, халқимизнинг асрий орзуси рўёбга чиқди. Ўз тақдиримизни ўзимиз белгилаш, бой маънавий қадриятларимизни тиклаш, миллий бойликларимизга эгалик қилиш, тинч иқтисодий, ижтимоий ривожланиш йўлига ўтиш имкони туғилди. Эришилган ютуқлар ҳақида жаҳоннинг энг нуфузли иқтисодчилари, сиёсатчилари кўпдан-кўп ижобий фикрларни айтмоқдалар, ютуқларимизни бир неча ўн йилликларга ҳатто, асрларга қиёслашмоқдалар. Мувоффақиятларимиз руҳларимизни шодлантириб, ғараз ниятли кишиларни ташвишлантириб қўйди. Шу боисдан ҳам улар халқимизни турли ғаламисликлар, иғво, бохтонлар ва қуролли дағдаға билан кўрқитмоқчи бўлдилар. Лекин ўзбек халқи Президент И.А. Каримов атрофига жипислашган ҳолда ўз миллий истиқлолининг мустаҳкамлаш, бу гўзал диёримизни ёвуз ниятли ғанимлардан сабот ва матонат билан ҳимоя қилиш, мамлакатимизни келажаги буюк давлатга айлантиришдан иборат эзгу ниятни дилига жойлаб, нурли келажак сари дадил ва

сoбитқaдaмлик билaн oлғa интилмoқдa.

Булар ҳақида юртбошимиз И. А. Каримов 1999-йил 14-апрел куни биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 14-сессиясида “Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда” мавзусида қилган маърузасида қуйидагиларни алоҳида таъкидлаган эди.

“ Биз XXI аср бўсағасида турибмиз , биз янги буюк ишлар олдида турибмиз. Сиз билан бизнинг вазифамиз давр олдимизга қўяётган талабларга муносиб жавоб қайтаришдир. Истиқболимизнинг аниқ ва равшан тасаввур этиб халқимизга тинч ва фаровон турмушни таъминлашдир , жаҳон майдонида ўзимизга муносиб ўрин эгалашдир”.

Республикамызда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишлари , ислохатлар, мамлакатимиз иқтисодий қудрати ошиб бориши натижасида жамият ижтимоий соҳасининг марказий бўғини ҳисобланади халқ таълимида ҳам туб ислохатлар рўй бермоқда. У янгиланмоқда , ёшлар таълим-тарбиясининг такомиллаштириш, уларнинг мазмуни, узлуксизлигини таъминлаб берадиган янги ҳужжатлар педагогик технологиялар, амалиёт услублари билан бойиб бормоқда. Ўтмиш даврига хос иқтисодий мураккабликларга қарамай, таълимнинг модий негизи мустаҳкамланиб бормоқда.

Республика Президенти ва ҳукуматининг таълимни ривожлантириш , ёш авлодга жаҳон андозаларига мос билим , иқтидор ва кўникмалар бериш , уларни она-ватанга , миллий ихтилол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш борасида кўрсатилган доимий ғамхўрлики туфайли таълим-тарбия ишларининг бугунги қиёфаси тубдан ўзгарди.

Шу ўринда эътироф этиш кераки , мамлакат иқтисодиётида, шу жумладан, таълим тизимида амалга ошириладиган ислохатлар ўз-ўзидан бўлмаяпти. Улар катта куч , маблағ , меҳнат эвазига амалга оширилмоқда.

Айримлар : Мана республикада , ”Таълим тўғрисида” ги қонун , “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” қабул қилинди , “энди ёшлар ўзини билимга уради” деб енгил-елпи хулоса чиқардилар. Бу нотўғри албатта.

Зотан мазкур рисоланинг бош мақсади ҳам таълим кишиларнинг энг ибратли , ихтиёбларида янада такомиллаштириш рўзда тутилган амалиёт турларини , эришилган ютиқларини муҳаффа қилиш , воз кечишимиз бўлган иллатлар , камчилик ва нуқсонларни кўрсатиш таълимимизни порлоқ ихтиёбларига олиб чиқадиган ёълини тўғри белгилаб бериш , шу асосда ХХІ аср мактабини бунёд қилишга хизмат қилишдан иборат.

Мамлакатимиз истиқлолининг энг даслабки кунлариданоқ , буюк маънавиятимиз ва қадриятларимизни , халқимиз яратган оғзаки ёдларни тиклаш ва янада юксалтириш, миллий таълим-тарбия тизимини шакллантириш, заминини муҳаффа қилиш, уни давр талаблари билан уйғунлаштириш асосида жаҳон андозалари ва кўникмалари даражасига олиб чиқиш мақсадларига фавқулотда катта аҳамият берилди.

Маълумки ҳар қандай миллатнинг янгилиниши ёшлар тарбиясидан бошланади. Ёшлар эса бугунги кунда оилада ва асосан таълим-тарбия муносабатларида шакллантирилади. Таълим воситалари ўқувчиларнинг руҳий , жисмоний , генетик ва минтақавий ўзига хосликларини тўлиқ ҳисобга олгандигана юқори самарадорликка эришиш мумкин.

Республика Президентининг ташаббуси билан ўсиб келаётган ёш авлодни жисмоний соғлом , маънавий жиҳатдан баркамол қилиб тарбиялаш , истеъдодини аниқлаш ва рағбатлантириш мақсадида “Маҳалла” , “Камолот” , “Соғлом авлот учун” , “Нуроний” , “Улуғбек” , “Умид” жамғармалари ташкил этилди ва улар таълим муассалари билан ҳамкорликда самарали фаолият кўрсатмоқдалар.

Республика иқтисодиёти учун ҳар бир сўм ўта зарур бўлиб турган шароитда ёш авлоднинг келажагига аҳойдил ишонган , унинг инсоний камолатини таъминлашга интилувчи , фарзандларимизга ўзгалар ҳавас

киладиган даражадаги озод ва обод Ватан қолдиришни мақсад ва шиор қилиб олган.

Таълим-тарбия бериш жараёнида халқ оғзаки ижодидан фойдаланиш ҳам жуда самарали ўрин эгаллайди.

Халқ поэтик ижодини ўрганиш , айниқса ижтимоий фанлар юзасидан олиб борилади ка тарихини ўрганиш учун ҳам ғоят муҳим аҳамиятга эга.

Чунки “ Халқ педагогикаси аста-секин халқ оммаси ичида таркиб топа боради ва халқ ижодининг топишмоқ , матал , мақол , ривоят.эртас, достон ва қўшиқ каби ёдгорликларида акс этирилади ”.

Халқ оммасининг турмуш фаолият жараёнида тўпланган тарбия борасидаги тажриба ва билимлар йиғиндиси халқ педагогикасининг мазмуни ифодалайди. Яъни халқ педагогикаси – меҳнаткаш халқ ва халқ донишмандларининг ҳамон ёшларини кутилган мақсадга мувофиқ кишилар қилиб етиштирадиган тарбиянинг мақсад ва вазифаларига бўлган қарашлари ҳамда халқ оммаси томонидан таълим-тарбия ишларини амалга ошируш бобида қўлланиб келинган усул восита , кўникма ва малакалар бирлиги ифодаловчи тажрибалар асосида тўпланган билим ва маълумотлар йиғиндисидир.

Бошқача қилиб айтганда , халқ оммасининг оғзаки тарзда яратган авладдан авлодга ўтиб келаётган тарбия ҳақидаги маълумотлар – педагогик ижодлари йиғиндисидир.

Бадий адабиётда бўлганидек , фольклор асарлари ҳам тузилиши ва ғоявий-бадий хусусиятларига кўра , ўзаро ўхшаш ҳамда фарқли томонларга эга бўлиб, муаян гуруҳларни ташкил этади. Ўзбек фольклори асарлари, аввало икки катта гуруҳга бўлинади :

- 1.Урф – одат ва маросимлар билан боғлиқ асарлар.
- 2.Турли урф – одат ва маросимлар билан боғлиқ бўлмаган жанрлари.

Биринчи гуруҳга: а) меҳнат қўшиқлари;б) мавсум қўшиқлари; в) маросим қўшиқлари; г) олқиш , афсун ва қарғишлар; д) айтимлар киради.

Иккинчи гуруҳга: эпик , лирик, драматик ва кичик жанрларни ўз ичига олади. Ҳар бир жанр ўз навбатида яна ички турларга бўлинади. Шу нуқтаи назардан ўзбек фольклорлари ва унинг жанрларига яхлит қарар эканмиз, унда бутун бир халқнинг тақдири, шу халқ мансуб Ватаннинг гўзалликлари тасвирланганлигига, тинчлик ва фаровонлик учун кураш, Ватан тупроғини кўз қорачиғидек асраш ғоялари, бу йўлда мардлик кўрсатган қаҳрамонлар куйланганлигига қаноат ҳосил қиламиз. Ривоят ҳаётий ғоқеларни бадиий уйдирмалар воситасида ҳикоя қилувчи реалистик ҳаракердаги оғзаки ижод турларидан бўлиб, ғоявий – тематик жиҳатдан ранг- барангдир. Ривоятлар тарихий воқеалар ва айрим шахслар билан боғлиқ бўлган ҳодисаларни, ижтимоий ҳаёт ва турмуш, географик жойлар – саҳро, кўл, чўл, денгиз, шаҳар, қишлоқ, сарой ва бошқаларнинг барпо бўлиши ҳамда вайрон қилиниши ҳақида ҳикоя қилиши мумкин.

Мавзунинг ишланганлик даражаси – биз томонимиздан тадқиқ этилаётган мавзу кўгина фольклоршунос , педагог , психолог , социолог олимларнинг илмий-тадқиқот ишларини, изланишларни дебочаси ҳисобланади.

Фольклорнинг “ ривоят ” жанри фольклоршунос М.Афзалов , Б.Каримов , М.Алавия , Х.Зарипов , З.Миртурсунов , Ғ.Жаҳонгиров , Б.Саримсоқов ва бошқа фольклоршунос олимларимиз томонидан кенг талқин қилинган, монографиялар , докторлик диссертациялар тадқиқ этилган.

Педагог олимларимиздан Р.Мавлонова, М.Иномова , О.Мусурмонова , А.Ортиқов , М.Хайдаров , А.Тешабоев , М.Жумабоев, Х.Саноқулов сингари олимларимиз томонидан , педагогик нуқтаи назар томонидан ёритилган.

Лекин юқорида зикр этилган фольклоршунос ва педагог олимларимизнинг тадқиқотларида халқ педагогикасининг айрим қирралари ёритилганлигини кўрамиз.

Шунга асосан биз малакалий - битирув ишимизни “Бошланғич синф ўқувчиларни маънавий – ахлоқий тарбиялашда ривоятлардан фойдаланиш” деб номладик .

Битирув малакавий ишининг объекти - бошланғич синф ўқувчиларига ривоятлардан фойдаланиб маънавий-ахлоқий тарбия бериш жараёнини ташкил этиш.

Битирув малакалий ишнинг предмети таълим – тарбия жараёнида ривоятларидан фойдаланиб, ўқувчиларига маънавий – ахлоқий тарбия бериш мазмуни.

Битирув малакавий ишнинг мақсади - бошланғич синф ўқувчиларига маънавий –ахлоқий тарбия бериш имкониятларини аниқлаш, ундан фойдаланишнинг шакл ва усуллари асослаб бериш.

Битирув малакавий ишнинг вазифаси - ўқувчиларини шахсини шакллантиришда ривоятлардан фойдаланишнинг назарий ва амалий аҳамиятини ўрганиш, таҳлил қилиш ва умумлаштириш.

Битирув малакавий ишнинг тузилиши. Битирув-малакавий иш; Кириш, 2 боб 4 фасл, умумий хулоса ва фойдаланган адабиётлардан иборат.

I БОБ. Бошланғич синф ўқувчиларини маънавий- ахлоқий тарбиялашнинг педагогик асослари

1.1 Ривоятлар. Халқ ривоятларида ахлоқий тарбия масалаларининг ўрни.

Тарбия кишилик жамияти пайдо бўлиши билан бошланди ва ривожланиб борди. Бола туғилиши биланоқ ота-онанинг парвариши орқали атроф-муҳит билан танишади. Турмуш фаолияти бошланиши билан ишлаб чиқариш тажриба ва малакаларини ўзлаштиради, шу жараёнда унда ақлий ва жисмоний камолот, маданият, ахлоқ ва эстетик қарашлар шаклланади.

Ўзбек халқининг ёш авлодни ҳаётга тайёрлашда кўп асрлар давомида қўлланган усул ва воситалари, тадбир шакллари, ўзига хос урф-одати ва анъаналари, тарбия ҳақидаги ғоялари ва ҳаётий тажрибаси халқ педагогикасида мужассамлашгандир.

Халқ педагогикасига хос хусусиятлар инсонпарварлик, меҳнатсеварлик, дўстлик, ўзаро ҳамдардлик, очик кўнгиллилик, дўстлик, ўзаро ҳамдардлик, очик кўнгиллилик, саховатлилик, поклик, тўғри сўзлик, ҳақиқатгўйлик, яхши кўшничилик, тинчликсеварлик, ватанпарварлик, байналмилаллик каби фазилатлардан иборат бўлиб, бу фазилатлар тарихий, ижтимоий шароитлар билан белгиланади ва умумбашарий хусусият касб этади.

Халқ педагогикасидаги илғор ғоялар — ёш авлодни ақлий ва жисмоний жиҳатдан етук, маърифатли, билим ва ҳунарларни эгаллаган, одоб-ахлоқ қоидаларини ўзида мужассамлаштирган, гўзал дидли ва завқли қилиб етиштиришдир.

Халқ педагогикаси урф-одат, анъана ва қадриятлари бир авлоддан келгуси авлодга оғзаки тарзда ўтади, сўнгра оғзаки ижод ва ёзма адабиётлар воситасида оммалашади. Шу сабабли ҳам, халқ оғзаки ижоди ва ёзма адабиётлар асрлар давомида ўзбек педагогикасининг ягона тарбия воситаси бўлиб келмоқда.

Ўзбек халқининг оғзаки ижоди хилма-хил мавзу ва жанрлардаги асарларга – мақол, топтшишмоқ, эртақ, латифа, қўшиқ, лапар, аския ва дostonларга бой. Булар ўзбек халқ педагогикасининг асосини ташкил этади. Чунки улар ўз мухтасарлиги, қизиқарлиги, ровонлиги, оҳангдорлиги, пандномалиги (дидактиклиги), ғоявийлиги билан ғоятда муҳим тарбиявий аҳамиятга эга. Асрлар давомида яратиб келинган халқ оғзаки ижоди намуналарида ҳар бир жамиятда яшаган халқ руҳи: дўстлик, биродорлик, мардлик ватан ва халққа содиқлик ғоялари ифодаланган, улуғланган: Ота-онанинг ўзаро аҳиллиги, улар билан фарзанднинг ўзаро меҳр муҳаббати, кадр-қиммати, энг яхши инсоний фазилатлар тараннум қилинган.

Маълумки, ҳар бир халқ педагогикаси бошқа халқлар педагогикаси билан боғлиқ ҳолда яратилган. Шу сабабли ҳам уларнинг ижтимоий сиёсий ва маданий ҳаётлари, тарихий тақдирлари ифодаланган урф-одатларида, анъаналарида ўхшашлик мавжуд. Бу ўхшашлик уларнинг меҳнат ва нафосат тарбиясида ақлий ва ахлоқий тарбия усулларида ёрқин кўринади.

Ўрта Осиё халқлари тарихий этнографик жиҳатдан яқин алоқада бўлганлар. Этнографик педагогика илмий педагогиканинг узвий қисм сифатида бир халқнинг маънавий маданияти, урф-одатлари, анъаналарига хос хусусиятларининг мажмуидир. У ўз вазифасига кўра ҳар бир халқнинг бола тарбияси ҳақидаги фикри ва тажрибаларини ўрганади.

Илк ибтидоий жамиятда урф-одатлар кишиларнинг меҳнати заминида вужудга келган ва жамият ривожига, кишилар онгининг ўсишига катта

таъсир кўрсатган. Кишилар ўз меҳнатлари, ҳатти-ҳаракатларини урф-одат ва анъаналар орқали давом эттирганлар. Бу ҳолат уларнинг меҳнат малакаларининг ўсишига жиддий таъсир этган, уларда кучли ҳис хаяжон уйғотган. Ҳар бир киши урф-одатлар орқали жамоа билан узвий боғланган, жамоанинг ижтимоий вазифаларини, ахлоқий қонун-қоидаларини орзуларини ўрганган, англаган. Шу боис урф-одат ва анъана ҳар бир инсон ҳиссиётига, ҳатти-ҳаракатига кучли таъсир қилувчи ҳодиса бўлган.

Урф-одат ва анъана инсонда хилма-хил кечинмалар ва кайфиятлар уйғотар экан, одамнинг ўз-ўзини ва ижтимоий бурчини англашига, шахс сифатида шаклланишига ҳам ижобий таъсир қилади.

Урф-одат кишиларнинг ишлаб чиқаришдн ташқарида кўрсатган фаолиятини ўз ичига олади. Шунга кўра, у ижтимоий муносабатлар йиғиндиси ҳисобланади. Анъана кишиларнинг мустақкам қарор қарор топган урф-одатлари, дидлари, ҳулқ-атвор ва ижтимоий муносабат қоидалари йиғиндисидир. Маросим эса анъананинг таъсирчан, амалий ва тантанали қисми, анъанавий тус олган ҳаракатлар йиғиндисидир. У жамоа, оила, шахс ҳаётидаги муҳим воқеаларга бағишлаб ўтказилади. Масалан, авлоддан авлодга мерос сифатида ўтиб келаётган, замон талаби асосида сақланиб, янгича мазмун касб этиб келаётган маросимлар байрамлар деб аталади.

Ўзбек халқи кўп асрлик тарихий тараққиётида миллий хусусияти, яшаш жойига кўра, урф-одатлари ва анъаналари, дунёқараши, руҳияти ва орзулари мужассамлаштирилган иқтисодий ва маънавий маданиятини яратди. У яратган маданий бойликлар, ёдгорликлар ёшлар тарбиясида муҳим восита бўлиб хизмат килди. Чунончи, Исмоил ал-Бухорий, Ал-Хоразмий, Абу Наср фаробий, Абу Али ибн Сино, Рудакий, Фирдавсий, Абу Райхон ал-Беруний, Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Югнакий, Саъдий, Шерозий, Аҳмад Яссавий, Низомий Ганжавий, Фариддин Аттор, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий ва бошқа

алломалар ўз асарларида ахлоқ, одоб, нафосат, меҳнатсеварлик, ватанпарварлик, халқпарварлик ғояларини баён этишда халқ педагогикасидан самарали фойдаланадилар.

Урф-одат, анъана ва маросимларнинг миллийлиги байналмилалчилик билан узвий боғлиқдир. Ҳар бир халқнинг маданий анъаналари ўз миллийлигини сақлаган ҳолда бошқа анъаналар билан алоқада бўлади. Ҳар бир халқ ўз тарихи давомида халқлардан у ёки бу анъаналарни ўзлаштиради. Масалан, ўзбек халқи билан тожик, туркман, қозоқ халқларининг ўйини, қўшиғи, мусикаси, либоси, тўй маросимлари, меҳмон кутиши ва кузатиши каби урф-одатларида ўхшашлик борки, бу ўзаро яқинлик, тотувлик ва ҳамкорлик натижасидир. Аммо бундан қатъи назар, ўзбек халқининг миллий педагогик маданиятида ўзига хос хусусиятлар, ўзига хос турмуш тарзи, қадриятлар мавжуд, албатта. Уларни ўрганиш орқали ўқувчилар миллий маданий фазилатлар-тавозе, садоқат, марҳамат, шафқат, ҳа1, мурувват, вафо кўркем хулқли, одамларда мужассамланиши, вафо кўркем хулқли одамларда мужассамланиши, ҳирс, бахиллик, такаббурлик, адоват, иғво, ҳасад, мунофиқлик, хиёнат, чақимчилик каби ярамас хислатлар эса ёвуз хулқли кишиларда бўлишини билиб оладилар.

Жамият ҳаётида ишлаб чиқаришнинг ривожланиши натижасида турли хилдаги хўжаликлар шакллана бошлади, одамларда турмушга муносабат ўзгарди. Тошкент, Бухоро, Сурхандарёдан топилган археологик ашёлардан ва қоятошлардаги расмларга қараб ўша ўлкаларнинг халқлари ўз фикр ва мақсадини шу нақшлар орқали ифодаланган. Суғориладиган ерларда деҳқончилик, чорвачиликнинг тараққий этиб бориши, айрим жамоа, уруғ, оила хўжалигида қўшимча ишчи кучига муҳтожлик сезилиши оқибатида юзага келган қулчилик жамиятида қулдорлик хусусиятини ифодаловчи маданият, турли дин ва ақидалар пайдо бўлди.

Эрамиздан олдинги 4 аср бошларида Александр Македонский хукмдорлик қилган йилларда ижтимоий ҳаётда зиддиятлар бўлишига карамай, Ўрта Осиёда илм-фан, маданият соҳасида ривожланиш юз берди, табиий фанларни ривожлантиришга эътибор берилди, антик типдаги бинолар қурилди.

“Қуръон” инсонларни илмда, маданиятда, одоб-ахлоқда баркамол бўлишига, диндан, ирқдан катъи назар, иттифоқ бўлиб, тинч-тотув яшашга даъват этади. У Шарқ ва жамият тараққиёти ва халқ фаравонлиги юксалишининг асосий негизи бўлиб, уни баркамоллик сари йўллайди, бундан кейин ҳам йўллайди.

Имом Исмоил ал-Бухорийнинг «Ал-адаб ал-муфрад» асаридаги 110-ҳадисда мушкул аҳволга тушган кишига ёрдам бериш ҳақида шундай дейилади: “Бир қанча қўшинлар қиёмат куни ўз қўшинларининг этагидан ушлаб: “Ё раббӣ! Манна бу қўшним бошимга иш тушган вақтда ёрдам қилиш ўрнига эшигини қулфлаб олган эди, деб даъво қилади” 111-ҳадисда дейиладики: “Ким ўзининг қорни тўқ бўлиб, қўшниси оч ҳолида ўтирган бўлса, у киши мумин эмасдир”. Демак, ҳар бир қўшни оғир аҳволда қолган қўшнисига ўз овқатидан бўлиб бериши лозим.

Юқорида келтирилган ҳадис бутун инсоният учун баркамоллик, инсонийлик раъзи бўлди. Ушбу мўътабар китоб кишиларни, хусусан, ёш авлодни маънавий баркамоллик руҳида тарбиялашдек муҳим беқиёс аҳамият касб этди, унда ифродаланган ақидалар халқнинг эътиқодига айланди, оиланинг мустаҳкамланишига. Болаларда ихлос, имон, диёнат хислатларини тарбиялашга хизмат қилди, қилмоқда.

Ўрта Осиёда яшаб ижод этган улуғ мутафаккир шоир, олимлар Ҳадисдаги кўпгина ақида, панд-насихатларни ўз асарларида бадиий ифодадилар. Буни биз Ибн Сино, Аҳмад Яссавий, Рағбузий, Низомий Ганжавий, Алишер Навоий, Юсуф Хос Ҳожиб, Ал-Хоразмий каби алломалар ижодида равшан кўрамиз.

Амир Темур ва унинг хукмдорлик қилган 14-15 асрларда мамлакатнинг иқтисодий, ижтимоий ҳаётида қайта тикланиш ва ривожланиш бошланиши билан илм-фан, меъморчилик, тасвирий санъат, ноққошлик, муסיқа соҳасида, бадий адабиётида жуда катта ютуқларга эришилди, халқ оғзаки ижоди ривожланди.

Бу даврда илоҳият, тиббий ва тарих ҳамда адабиёт фанлари соҳасида Мирзо Улуғбек, Қозизода Румий, Ғиёсиддин Жамшид, Али Қушчи, Султонали Хўжандий, Юсуф Табиб, Шарафиддин Али Яздий, Ҳофизӣ Абрӯ, Абдураззоқ Самарқандий, Хондамир, Алишер Навоий, Абдурахмон Жомий, Давлатшоҳ Самарқандий, Заҳриддин Муҳаммад Бобур тилшуносликда Фазлуллоҳ Абулайз каби буюк олим, адиблар камол топди.

Темурийлар даврида бунёд этилган “Бибиҳоним” жомий масжиди “Гўри Амир” мақбараси, “Шоҳизинда” бинолари, “Боғи майдон” боғи, Бухоро, Самарқанд, Хива, Ғиждувонда қурилган мадрасалар темурийлар даврида яратилган ўлмас обида, ёдгорликлардир.

Халқ педагогикаси ривоятларда маънавий - ахлоқий тарбия алоҳида ўринни эгаллайди. Ҳар бир халқ элат, жумладан, ўзбек халқи ўзига хос ахлоқ қонун - қоидаларини яратади. Инсонийлик мезони ахлоқ қонун-қоидаларини яратади. Инсонийлик мезони ахлоқ қонуниятининг асоси бўлиб қолди. “Олим бўлиш осон, одам бўлиш қийин ” мақолида ҳам ўзбек халқининг инсонийликка бўлган талаби ёрқин ифодаланган. Халқ тасаввурида олим бўлишга нисбатан, ҳақиқий одам бўлиш мушкулдир. Шу сабабли ҳам ёш авлодни гўзал ахлоқли қилиб тарбиялашда инсонийлик мезони тарбиянинг асосини ташкил этади деган ғоя қадимдан бошлаб ҳозиргача давом этиб келмоқда. Инсонийлик мезони инсоннинг энг яхши ахлоқий хусусиятларини, яъни одамлар билан ўзаро яхши муносабатда бўлишни, ўзаро дўстликни (“кучли бўлай десанг дўст ортир”), ота-онага садоқатликни

(“ота олдидан ўтма, одоб олдидан кетма”), ватанга ва элга содиқлик каби ижобий фазилатларни ўз ичига олади.

Халқимиз ёшликданоқ болаларнинг шундай гўзал фазилатларини эгаллаб олишларига аҳамият бериб келди. Яратган мақолаларида ўз ватанига, туғилиб ўсган жойига чексиз муҳаббат ва ифтихор туйғуларини ёш авлодга сингдиришни вазифа қилиб қўяр экан, ўз ватанида яшашни ҳақиқий бахт деб билди, ватанни она тимсолида тасаввур этди. (“Она юртинг омон бўлса рангу-рўйинг сомон бўлмас”, “Она юртинг – олтин бешигинг”, “Она ернинг тупроғи, она сутидан азиз”).

Ақлий тарбия инсоннинг шарафли, ғайратли, иродали бўлишига муҳим рол ўйнайди. Унинг самарали бўлиши кўп жиҳатдан оила ва устозларнинг тарбиясига боғлиқдир. Шу маънода болаларнинг ақлий тарбиясида асосий устоз оила, ота-она, кексалар бўладилар. Улар жамиятда, турмушда юз берган ҳодисалар натижаси бўлган кўп йиллик ҳаётий тажрибаларини ёш авлодга тавсия этадилар. Болалар улардан олган, ўрганган билим ва малакаларини оила ва қишлоқ хўжалик ишларида, боғ-роғлар яратишда, сабзавотчиликда, чорвачиликда, хунармандчиликда иштирок этиш жараёнида қўллайдилар.

Шу нуқтаи назардан ўзбек фольклорлари ва унинг жанрларига яхлит қарар эканмиз, унда бутун бир халқнинг тақдири, шу халқ мансуб Ватаннинг гўзалликлари тасвирланганлигига, тинчлик ва фаровонлик учун кураш, Ватан тупроғини кўз қорачиғидек асраш ғоялари, бу йўлда мардлик кўрсатган қаҳрамонлар куйланганлигига қаноат ҳосил қиламиз. Ривоят ҳаётий воқеаларни бадиий уйдирмалар воситасида ҳикоя қилувчи реалистик характердаги оғзаки ижод турларидан бўлиб, ғоявий – тематик жиҳатдан ранг- барангдир. Ривоятлар тарихий воқеалар ва айрим шахслар билан боғлиқ бўлган ҳодисаларни, ижтимоий ҳаёт ва турмуш, географик жойлар – сахро, қўл, чўл, денгиз, шаҳар, қишлоқ, сарой ва

бошқаларнинг барпо бўлиши ҳамда вайрон қилиниши ҳақида ҳикоя қилиши мумкин.

Ривоятларда лутф ва назокат, ақл ва тадбир, ишқ ва вафо, яхшилик ва одамийлик каби илғор ғоялар жамиятда учраган зулм ва зўрлик, ҳақсизлик ва адоват сингари иллатларга қарши қўйилади.

Ривоятларни икки туркумга бўлиш мумкин. Бири муайян воқеа ва тарихий шахслар билан боғлиқ бўлган ривоятлар, иккинчиси топонимик ривоятлар. Тарихий ривоятлар бирор шахс фаолияти ва халқ қахрамонлари билан боғлиқ бўлган ҳодисаларни ҳикоя қилади, ахлоқ ва одобнинг идеал нормаларини ташвиқ этиб, муайян ҳодисалар ҳақида маълумот беради. Алишер Навоий, Улуғбек, Ибн Сино, Беруний, Машраб каби олим ва шоирлар Амир Темур, Султон Маҳмуд сингари тарихий шахслар ҳақида яратилган ривоятлар шулар жумласидандир.

Ривоятлар ихчам, пухта сюжетли, икки- уч эпизоддан ташкил топган бўлади. Аммо ўзгармас, қатъий композицияга эга эмас. Ҳикоя қилинган воқеалар гўё тугулланмагандек, давоми бордек сезилади. Шунинг учун ҳам ривоят катта асардан узиб олинган бир лавҳа сингари туюлади.

Ривоятларни у ёки бу тарихий шахс ёки тарихий ҳодисалар гувоҳи бўлганларнинг, кўрган- билганларнинг эсдаликлари асосида юзага келган дейиш мумкин. Бундай ҳодиса ривоят жанрининг ўзига хос хусусиятини белгилайди. Баъзи ри воятларда фактик воқеалардан асар ҳам ҳам қолмай, фақат шахс номи ёки унинг бирор белгисигина сақланиб қолиши ҳам мумкин. Баъзан эса тарихий шахс сайёр сюжет қолипида ҳикоя қилинади. Бундай ҳолда ҳаётий уйдирмалар ёки сайёр сюжетлар етакчи ўринни эгаллайди.

«Вафо ҳазратлари ва фарзанд тарбияси» деган ривоят бошланғич синф ўқувчиларини маънавий – ахлоқий камол топтиришда катта аҳамият касб этади.

Ғаранг: бола тарбияси ҳалол, покликни талаб қилар экан. Кимки фарзандим келажакда тўғри, ҳалол, соғлом фикрли, ақл - заковатли

бўлсин, деса энг аввало ўзи шу даражада бўлиши керак экан. Ривоятда эл – юрт ўртасида жуда катта обрў - эътиборли одамнинг боласи ўзбошимча, беодоб, дилозор бўлиб камол топади. Бунинг асосий сабаби онанинг ноўрин хатти - ҳаракати экан. Ҳадислардаги « халол ҳам, аниқ харом ҳам аниқ »да жон бор экан, болаларим.

Ўз замонасида, - дея ривоятини бошлади Энахон кампир, катта шуҳрат қозонган Вафо Ҳазратлари одамларидан тортиб то энг оддий одамларгача меҳрибон эди.

Бир кун сақов (сув сотувчи) келиб Вафо Ҳазратларининг ҳузурида тиз чўкиб ўтирди. Сув сотувчининг ғамгин кўринишидан бир дарди борлиги билиниб турарди. Вафо Ҳазратлари сақовдан сўради:

- Болам, бирор ғам, дардинг борми?

- Йўқ афандим, қандай айтаман, - деб жавоб берди сув сотувчи.

- Болам, гапиравер, уялма, дардингни айт, - деди Вафо Ҳазратлари.

- Ҳазрат, сизнинг фарзандингиз менинг мешларимни тешди. Бугун олтинчи мешни жуводдиз (бигиз) билан тешди. Биласиз, фақир одамман, нима қилишни билмай қолдим, - деди сақов.

- Хафа бўлма, болам! Мен бир чорасини топаман. Ҳозирча мана бу пулга меш сотиб ол. Мен ушбу хунук ишнинг сабабини билай, - деди Вафо Ҳазрат. Сувчи баттар сиқилиб, бўйнини эгиб чиқиб кетди. Вафо Ҳазратлари мулоҳаза қилиб, ўйлаб қайга етмади, нега фарзанди бундай иш қилиб қўйди? Сўнг хотинини чақирди, ва:

- Хоним, кел, бир мулоҳаза бор. Бизнинг ўғлонимиз сув сотувчининг мешларини бигиз билан тешибди. Бу хунук иш нега содир бўлди? – деди.

- Сен олиб келасан, биз еймиз. Харом нарса олиб келинса, сен олиб келасан, барча гуноҳ, айб сендадир, - деб жавоб берди хоним.

Вафо Ҳазратлари хотинининг феълини билгани учун: «Мен ўйлаб топа олмадим, хатоимни билмадим. Майли, сен ҳозир бор - да, яхшилаб

ўйлаб кўр. Бу айб ё менда, ё сенда», деди. Хоним Вафо Ҳазратлари ҳузуридан чиқиб кетди, бироздан сўнг қайтиб келди, ва:

– Ҳазрат! Мени эсимга тушди, деди ҳаяжонланиб.

– Мен ўғлимизга ҳомила эканимда фалончи хонимларникига меҳмонга борган эдим. Ўшанда уларнинг уйида бир анорни кўрдим. Катта ёшдаги, қария оналардан « агар ҳомиладор аёлни кўнгли бир нарсани тусаса ва агар уни тотиб кўрмаса, туғиладиган боласи бир ожизлик ила туғилади » деб эшитгандим.

Мезбондан сўрашга тортиндим, айб ҳисобладим. Боламнинг бирор аъзосига путур етмасин, деб кўркиб, уй эгаси хонимдан бир пиёла сув сўрадим. У сувга чиқиб кетганида, ёқамдаги тўғноғични олиб хонтахта устидаги анорга игнасини тикиб яладим, - деди.

- Офарин, хоним! Мана ҳозир сенинг хатоинг маълум бўлди. Тез бориб ул хонимдан узр сўра, - деди Вафо Ҳазратлари.

- Вой, афандим, айб бўлмайдим, - эътироз билдирди хоним.

- Унга нима дейман. Шу арзимас ишдан нима бўларди?

- Йўқ хоним! Ул хонимдан бориб ҳалоллик тила! Аллоҳнинг олдида бировнинг ҳақини катта - кичиги бўлмайди. Биласанми, нима бўлди?

Бизнинг фарзандимиз ҳозир олти ёшда. ўша воқеадан сўнг 6-7 йил ўтгач, сенинг тўғноғичинг ўғлинг кўлида бигиз бўлди. У анор эса сув сотувчининг меши бўлди. Сен билган хунук иш давом этмоқда, - деб уқтирди Вафо Ҳазратлари хотинига. **ган илмий – тадқиқотлар учун бебаҳо қийматга эга. Чунки “ Халқ оғзаки ижодини билмагунча меҳнаткаш халқнинг ҳақиқий тарихини билиш мумкин эмас”.**

Шундай экан , халқ оғзаки ижодини ўрганиш бошқа ижтимоий фанлар каби педагоги

1.2. Бошланғич синф ўқувчиларини меҳнатсеварлик руҳида тарбиялашда ривоятлардан фойдаланиш.

Маълумки , мусулмон оламида яхши одамлар ҳаёти давомида купрок савоб ишлар қилсам, деган уй орзулар билан яшаган. Бу орзуларини бировга яхшилик қилиш , ариқ казиш , сув чиқариш , йўл қуриш , ниҳол экиш йўллари билан амалга оширган. Бу ишларнинг савоби катта эканлиги одамларнинг қон-қонига сингиб кетган, одат бўлган .

Ўтмишда оталар бола ёшликдан меҳнатга ўргатилмаса катта бўлганида унинг мустақил ҳаёт кечира олмаслигини , дангаса ва ишёқмас бўлиб қолишини яхши билганлар. Улар болаларини ёшликдан турли ишларга жалб қилишда меҳнатнинг фақат моддий жиҳатини эмас, балки тарбиявий аҳамиятини ҳам ҳисобга олганлар. Ота-оналар жинсий хусусиятига қараб болаларга топшириқ беришни меҳнат тарбиясида асосий қоида деб билганлар: қизлар уй ишларини бошқаришга-кийим бичиш ва тикиш, овқат пишириш , уйни озода тутиш , уй хайвонларига қараш ва соғиш , кир ювиш , меҳмон келганда дастурхон ёзиш каби ишларга ўргатилган ; Ўғил болалар рузғордаги оғир ишларни бажаришган ўтин ёриш , молларга ем- хашак солиш билан шуғулланганлар , қўй ҳайдашда ер чопишда оталарига кумаклашганлар . Ишга ўрганиш ва ўргатишда диққат қилинадиган яна бир нарса- ҳар ишни ўз вақтида бажаришдир. Ишга одатланиш қанча муҳим бўлса, ишни ўз вақтида бажаришдир. Ҳар ишни ўз вқтида ишламай кечиктириш , кўп ишларнинг йиғилиб юзаки сифатсиз ишланишига ёки бутунлай қолиб кетишга сабаб бўлади. Шунинг учун ҳар бир ишни ўз вақтида ғайрат ва матонат билан бажариш лозимдир .

Меҳнат тарбиясида болаларда мустақиллик қобилиятини ривожлантиришга катталарнинг раҳбарлик қилувчи зарурий қоида деб ҳисоблайди. Бунда раҳбарлик қилувчи кишиларнинг ўзлари меҳнат қоидаларига амал қиладилар ва тарбия усулларини эгаллаб, болаларга вазифаларини тўғри тақсимлаб унинг бажарилишини назорат қиладилар

Халқ педагогикасида болаларни ўз-ўзига хизмат қилишга ўргатилган. Катта ёшдаги ўғил ва қизлар ота-оналари бўлмаган пайтда уйда бажариш лозим бўлган барча ишларни мустақил адо этганлар.

Ўтмишда меҳнат тарбиясида турли усул ва воситаларни қўллаш орқали болалар меҳнатга руҳан ва амалий жиҳатдан тайёрланган. Болаларни амалий машғулотга тайёрлашда ишонтириш, қизиқтириш ва бола фаолиятини баҳолаш усуллари қўлланган. Халқ бу ишларни амалга оширишда восита сифатида ўйин ва маросимлардан оғзаки ижоднинг меҳнат мавзuidaги асарларидан моҳирона фойдаланган бадий сўз воситаси сифатида болалар руҳиятига таъсир кўрсатган. Уларнинг бу тадбирлари болаларнинг ахлоқий ва руҳий жиҳатдан меҳнатга тайёрланишида муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Болаларда меҳнат қилиш зарурлигига ишонч ҳосил қилишда уларни меҳнатга руҳан тайёрлашда боболар мақол , топишмоқ, ривоят ва эртаклар билан бир қаторда , даъват қилиш , ундаш , насихат қилиш, маслаҳат бериш, амалда курсатиш усуллари ҳам қўллаганлар. Ота-боболар бу усуллар билан болаларда инсон ҳаётида меҳнатнинг ўрни, аҳамияти ҳақида тушунча ҳосил қилганлар.

Ўтмишда яхши ва намунали ишлари учун болаларни рағбатлантириш усули ҳам меҳнат тарбиясида яхши натижа берган . Бу усул , намунали ишлар қилган болаларга нисбатан қўлланган: “ баракалла “ Жуда соз раҳмат Умригдан барака топ сўзлари билан боланинг кўнгли кутарилган , кулиб-эркалаб боши синалган .

Меҳнат тарбиясида ота- боболар қўллаган ибратли усуллар уларнинг бой тажрибаси ҳозирги даврда ҳам мактабларда қўлланиб, ижодий риаяжлантирмоқда . чунки меҳнат – инсоният ҳаётининг, унинг ўсиб , камол топиши ва нафосатли бўлиши , моддий ва маънавий бойлигининг асосий манбаидир. Инсон меҳнатининг асосий хусусиятларидан бири, унинг фикр юритиш , ижод қилишга мойил ва қодирлигидир. Инсон буюм – нарсаяратар экан , у аввалам бор ўзининг моддий ва маънавий

эхтиёжни қондиришни ўйлайди, шу билан бирга яратган нарсасининг ташқи куриниши ва гузаллиги билан бошқалар диққат-эътиборини ўзига жалб этадиган бўлиши ҳақида фикр юритади .

Меҳнат жараёнида болаларнинг нафосат ҳақидаги тушунчаларини дид ва қарашларини ривожлантириш тарбиявий ишнинг муҳим томони ҳисобланади .

Гўзал дидли инсон яхши фазилатлар эгаси – инсонпарвар , меҳнатсевар даврнинг илғор ғояларини чуқур ўзлаштирувчи , шу ғоялани ўзлаштирувчи шу ғояларни ривожига ўз хиссасини қўшишга интилувчи бўлиб етишади. Меҳнат фақат инсоннинг камол топиши учунгина эмас , балки хатто эргашган инсонийлик хислатларини мазкур даражада сақлаб туриши учун ҳам зарурий шартдир. Инсон меҳнат қилмай туриб илгари бора олмайди меҳнат қилмаса эришган даражасини сақлаб қола олмайди у орқага кетишга мажбур бўлади. Инсоннинг қалби ва танаси меҳнат қилишни талаб қилади. Агар инсон бирон – бир сабабга кура турмушда шахсан меҳнат қилмаса у ҳолда инсон чинакам турмуш йулини ёўқотади ва турмушдан чексиз норози бўлади. ҳамма нарсадан кўнгли совиб ҳеч нарсани ёқтирмайди, ҳамиша зерикиб хуноб булиб юради иккинчидан ундай одам уз хоҳиши билан ўзи ҳам сезмаган ҳолда ўзини-ўзи нобуд қилиб боради ва тез оради ёш болаларга хос инжиқ ва қайсар бўлиб қолади ... Бу ҳар иккала йўл ҳам инсонни тириклайин мурдага айлантиради нимага десангиз , шахсий меҳнат эркин меҳнат-ана шунинг ўзи ҳаётдир .

Меҳнатнинг гўзаллик хусусияти – инсон хиссиётига , хиссиёти орқали онги ва ҳулқига таъсир этишдир. Меҳнатнинг гўзаллик хусусияти эса меҳнат жараёни гўзаллиги , меҳнат шароити гўзаллиги , меҳнат натижалари ва ишлаб чиқариш билан банд бўлган инсон гўзаллиги ташкил этади. Таълимда ана шу масалаларга, яъни меҳнат жараёнинг, шароитнинг ва меҳнат натижаларининг гўзаллик жиҳатдан мақсадга мувофиқ бўлишига эътибор берилади. Шундагина тарбия болани

турмуш меҳнатига тайёрлайди, унда меҳнатни одат қилиб олиш ва меҳнатни севиш каби хислатлани ўстиради , унга турмушда ўзига муносиб ўзи истаган меҳнатни аниқлаб олиш имконини беради.

Ақлий меҳнат тафаккур мушоҳада дунёни билиш билимларни эгаллаш улар асосида ўз дунёқараши ва эътиқодини шакллантириб боришдир. Бу – меҳнатнинг ҳақиқаттан ҳам меҳнатга айланиши учун у аниқ мақсадга гўзаллигини ёритиш орқали болаларда меҳнатни севиш хиссини тарбиялаш ва ривожлантиришга қаратилган бўлиши керак.

Ёшларга меҳнат нафосати – гўзаллигини курсатиш ,меҳнатда инсоннинг ўсиши , ақлий ахлоқий ва жисмоний томондан камол топишини инсондаги гўзалликни оширишда ўтмиш мумтоз адабиёт ва XX аср адабиёти асарларидаги инсон меҳнати бадиий чўзилган образларни масалан Алишер Навоийнинг “ Фарход ва Ширин ” достонидаги Фарход Ойбекнинг “ Қутлуғ қон ” романидаги Йулчини мисол қилиб олиш мумкин .

Меҳнат тарбиясида ишнинг маълум бир тартибда бўлишига ҳам аҳамият берилади. Бола ишни бир тартибда бажариши билан ўз ҳаракатини бошқалар ҳаракати билан мослаштиради натижада жамоа бажараётган ишда ҳам уйғунлик юзага келади. Меҳнат қилаётган бола ҳаракатидаги тартиб жисмоний кучи билан мос бўлиши унда гўзалликка қизиқишини оширади , унга гўзаллик бахш этади .

Меҳнатнинг маълум бир тартибда бўлиши болада ахлоқий хис туйғуни ҳам ўстиради , унинг жисмоний бақувват бўлишини таъминлайди . Бу масалага ўтмишда жамоа аҳли ҳам, оталар ҳам аҳамият бериб меҳнатнинг моҳияти, гўзаллиги билан бирга , меҳнатда фақат тартиб эмас, балки ҳаракат турлича бўлиши меҳнат қилишда суръат ифодалилиқ ҳам бўлиши зарурлигини болаларга тушунтирадилар .Улар меҳнат қилиш жараёнида пайдо бўладиган гўзал хиссиётнинг инсон ҳаётида энг маънавий эҳтиёж эканлигини болаларнинг англаб олишларига алоҳида аҳамият берганлар .

Ҳар бир миллат , жумладан , ўзбек халқи ҳам ҳаётга қайси соҳада бўлмасин , ўз эзгу ниятлари, орзуларига ижодий меҳнат туфайли эришган. Тошкент шаҳридаги Алишер Навоий номидаги Опера ва балет театри биноси ҳам ўзбек халқининг ижодий меҳнати билан барпо этилган муҳташам ёдгорлик , меъморчилик ҳунари- санъатининг гўзал намунасидир.

Мактабда меҳнат тарбиясининг самарали бўлиши куп жихатдан ўқитувчининг меҳнатда намуна бўлишига боғлиқдир . Юксак дид билан у ишлаган ҳар бир буюм ва асбоб ўқувчиларда шундай нарсаларни ишлашга қизиқиш уйғотади меҳнат фаолиятини оширади улар ишлаган нарса ва буюмларнинг чиройли, жозибали бўлиши учун ҳаракат қиладилар .

Ўқувчиларнинг мустақилликни фикрлашни ижодкорликни талаб этувчи меҳнатни сезадилар. Бу хусусият уларга ,умуман ёшларга хосдир. Ўз кучларининг кўргазмали , мустақил тарзда намоён бўлаётганини хис этган , кўрган тақдирдагина ўқувчилар қизиқиш билан меҳнат қиладилар . Ўқитувчи ўқувчи меҳнатни шу зайлда ташкил этиш орқали уларда ижодий қобилиятини ривожлантиради уларни турмушга тайёрлайди.

Меҳнат ижод намунаси даражасига кўтарилиши билан жозибадорлик касб этади , кишиларни ўзига мафтун этади. Ўқувчиларда ана шундай хусусиятга ега бўлган ижодкорликни шакллантириш ва ривожлантиришда ўқитувчининг намунали ишлари ҳамиша биринчи ўринда туради. У ана шу намунали ишларига кўра , ўқувчилар маънавий дунёсининг меъмори уларни нафосат оламига олиб кирувчи мураббий ҳисобланади .

Ўзбек халқи асрлар давомида инсон ахлоқий гўзал бўлишини орзу қилган табиат гўзаллигини қадрлаган табиат меҳнатни – гўзаллик манбаи деб билган унинг гўзаллик ҳақидаги қарашлари у яратган она ернинг тупроғи – она сутидан азиз “ Она юртинг олтин бешигинг ” , “

Қишнинг баҳри кузга барака”, “ Ерга меҳр элга меҳр ”, “ Йигит хусни – меҳнатда ”, “ Дарахт япроғи билан куркам - одам меҳнати билан ”, “ Гузаллик илму маърифат ” да каби мақолларда ўз ифодасини топган шунингдек қўшиқ эртаск дoston ва мусикаларда акс этган . Шу зайлда у гўзаллик ижодкори бўлган .

Халқнинг оилавий ҳаёт, инсон гўзаллиги ҳақидаги идеаллари гўзалликни англатувчи тушунчалар – гўзал, латиф, зилол, гулюз, гулчаман , барно ,зебо ,окил , зухро, лочин , сўзларда ҳам ифодалаган .

Халқ аёллар хуснини пардозда эмас аклида кўриб уларнинг гўзаллигини улуғлаган бу ҳақида тафаккури у яратган образлар тасвирида қўлланган асалбону, гулмеҳри , гулбегим , бутакуз , иффатой , назокатой , раъно сарвиноз каби сўзлардан намоёндир.

Халқнинг эрлар гўзаллиги хусусидаги идеалларини уларнинг образини чизишда фойдаланган жамол, жасур, моҳир, сарвар, темир, улуғ, чўлпон, шараф , ўлмас, ўғлон , элдор шуҳрат каби сўзларда кўриш мумкин .

Халқ гўзаллигининг акси бўлган инсон ва умуман жамият учун доғ зарарли иллатларни ёмон ярамас очкуз худбин ишёқмас иғво сурбет каби тушунчаларда қоралаган .

Халқ болаларда гўзалликка ҳавас туйғусини тарбиялашда уларни мустақил ҳаёт кечиришга тайёрлашни , ёшлигидан табиат , меҳнат , ахлоқ, одоб гўзаллигини эгаллаган шахс қилиб етиштиришни ўз олдига асосий вазифа қилиб қўйган .

Халқ инсон гўзаллигини у яратган буюмларда ҳам намоён бўлишини кўрган , меҳнат қилиб гўзал буюм яратишни талаб қилган . Ўзбек халқи меҳнат гўзаллигини ўғил ва қизлар яратган дўппи, телпак зирак ,палак , зебигардон, маржон ,чойшаб, чопон, этик, кавиш ,маҳси ,мис ва сопол идишлар умуман қўл ҳунарида рузғор буюмларида аёллар тақинчоқларида кўрган .

Улуғ мутафаккир олим Абу Али ибн Сино: “ Ҳаё инсоннинг абадий гўзаллиги ва латофатидир. Ҳаёсиз юз жонсиз жасадга ўхшайди”- дейди . Ота – боболар болаларни гўзал хулқли ахлу муҳаббатда содиқ шарму ҳаёли сабру қаноатли ширин сўз ва тавозели қилиб тарбиялашга ҳаракат қилганлар. Улар хулқ атвори билан халқ қошида марғуб ва махбуб бўлган одамнинг ўзига ёрдам берганларни ҳеч вақт унутмаслигига ишонганлар.

Ота-боболар болаларда гўзалликка ҳавас туйғусини ўстиришда уларнинг ахлоқий гўзаллик билан бирга ташқи гўзалликка – тил дўстлик кийиниш юз ўз таом ейиш чой ичиш зиёрат уйқу кўпчилик ўртасида ўзини тутат билиш одобларини эгаллашга ҳам аҳамият берганлар.улар ўғил ва қизларига катта ёшли одамлар ўзаро гаплашиб турганда уларнинг сўзларига аралашмасликни комил ақлли тўғри фикрли ва яхши хулқли бўлганлар дўстлашишини бошқаларнинг шодлик ва қайғули кунларида таянч ҳамроҳ бўлишини тушинтирганлар .

Катталарнинг турли мавзуларда ўтказган суҳбатлари ва гўзал хулқ атворлари билан намуна бўлишлари болаларнинг гўзалликни чуқур тасаввур этишларида муҳим аҳамиятга эга .

Ўзбек халқи ўғил ва қизларида гўзалликка ҳавас хиссини тарбиялашда мусиқа , кўшиқ ,эртақ, ривоят, қахрамонлик дostonларидан донишмандлар хикмати ва ўйинлардан фойдаланган. Ҳаётий воқеа инсон образи афсонавий равишда ва ҳаққоний тасвирланган эртақлар болаларда гўзалликка ҳавас туйғусини ўстиришда муҳим восита бўлган. Ота-оналар болаларда табиатга ҳавас туйғусини ўстириш уларни фойдали одатларга ўргатиш натижасида уйқу олдида ривоят ва эртақлар айтиб беришган болалар улар айтиб берган ривоят ва эртақларни қисқартириб баъзан ўзларидан кўшиб ўртоқларига айтиб беришган. Ота-оналар ривоят ва эртақлар айтиб беришда болаларнинг ёш хусусиятларига .тинглаш ўзлаштириш

қоблиятларига эътибор бериб ривоят ва эртак воқеасини турли оҳангда кўз қўл гавда ҳаракатлари билан ижро этганлар.

Шу йўллар билан улар болаларини атроф муҳит қир адрлар тоғлар дарёлар ҳайвон ва паррандалар ва болалар йилнинг тўрт фасли табиат ходисалари яхши ва ёмон ҳулқли одамлар ҳақида тасаввурга эга бўлганлар. Улар аста секин “Алдоқчи” , “Виждонли” , Баҳодир , Гўзал ва хунук сўзларнинг маъносини тушуниб олганлар.

Табиат гўзаллик тимсолидир . Табиат бадий сўз ва тасвир санъати намояндалари учун илҳом манбаидир.Она табиат гўзаллиги халқ учун ўзига хос илҳом манбаи бўлган ва ҳозир ҳам шундай . Шу туфайли ҳам халқ яратган бадий ижодда у ўз аксини топган. Йил фаслларига хос чирой , хусусият гўзал тарифланган . Буни машҳур олим Маҳмуд Қошғарийнинг “ Девону луғатит турк” асарида берилган мисолларда кўриш мумкин .

Баҳор шундай таърифланади: “Яшин яшнади ,булут қузғалиб , ҳаёжонга тушди. Айғир ва биялар баҳор келгандан завқланиб , шодлик билан кишнашади ва яйрашиб олишади...”

“ Баҳор тонги ёришди , музлар эриб сел сувлари каби қаттиқ оқа бошлади . Ёруғ тонг юлдузи ҳам нур сочиб чиқди”.

Ёз қуйидагича таърифланади: “ Турли туман чечаклар тизилди ғунчасидан ,куртагидан ёзилиб кўринди. Улар ер устида узок ётиб эзилган эди, ердан бош кўтариб бир биридан айрилишаётир”.

Ўтмишда ота ,боболаримиз ёш авлодни табиат билин таништиришга уларда табиат гўзаллигига ҳавас туйғусини тарбиялашга алоҳида эътибор бериб, табиат ходисаларни, қуёш, ой, юлдузлар ҳақида ижод этилган афсоналарни айтиб берганлар, шу йўллар билан улар болаларда табиат, табиий ходисалар ҳақида тасаввур қилганлар, табиат гўзаллигига ҳавас, уни эъзозлаш, гўзаллик яратиш туйғусини камол топтирганлар.

Ҳаётда гўзаллик яратиш кўп нарсани билиш, табиатни, унинг гўзаллигини, табиатга гўзаллик бахш этаётган одамларнинг маҳорат ва кудратини чуқур хис этиш керак .

Табиат гўзалликлари болалар маънавий дунёқарашнинг таркиб топиши ва ривожда муҳим аҳамият касб этади, табиат ўз гўзаллиги билан уларни ўзига мафтун этади. Табиат лавҳалари ўзининг табиий кўрки билан болаларда ёрқин ҳиссиёт уйғотади. Табиат болаларни гўзалликни хис этиш, гўзал дидли қилиб тарбиялаш манбаи бўлиши билан бирга , уларни инсонпарвар гўзал ахлоқли қилиб тарбиялашда ҳам муҳим мавқега эга бўлган. Буни яхши билган ота- оналар болаларининг диққат эътиборини ям яшил қир адирларга боғ, дарё, денгизларга жалб этганлар. Ана шу гўзалликлар одамда ҳар бир нарса ўзгаради, аммо фазилат қонунлари сира ҳам ўзгармайди. Ривоят қилишларича ёши бир жойни қоралаб қолган отахон даштга чиқиб кўчат экаётган экан. Ўша чол олдидан от миниб олган бир бойвачча ўтиб қолибди. У чолнинг ёшини сўраб: « Тўқсондан ошибсиз, бир оёғингиз тўрда, бир оёғингиз гўрда бўлса нима қиласиз бунақа уриниб. Ундан кўра тинчгина ўлтирсангиз бўлмайдами » дебди. Шунда чол унинг дилини ранжитмай «Умидли дунё, болам», деб қўя қолибди.

Чолнинг бу гапини қурумсоқлик, дунёга тўймаслик деб тушунган бояги бойвачча ўйламасдан: "Сиз шунинг мевасидан есангиз, мен илоё сизнинг ёшингизга етмайин", деб оғзига сўз олиб қўйибди. Бу гап чолнинг қулоғига етса ҳам индамабди. Лекин ичида ҳамсуҳбатининг енгилтаклигига афсус қилибди.

Орадан йиллар ўтибди. Ниҳоллар катта бўлиб ҳосилга кириб, соя-салқин боққа айланибди. Ёз кунларининг бирида бояги бойваччанинг йўли шу томонга тушиб чанқовини қондириш учун боғ эгасини чақириб, бир пиёла сув сўрабди. Шунда бир мўйсафид чиқиб, бойваччани ичкарига таклиф қилиб, олдига баркаш - баркаш ноз-неъматлар - олма-ю узум, шафтоли-ю ноклар қўйибди. Аммо ўзи эса нима учундир бу

неъматлардан оғзига бир дона ҳам солиб татиб кўрмабди. Бундан хайрон бўлган меҳмон бунинг сабабини сўраган экан, шунда чол:

-Бу боғларни мен фақат ўзим учун эмас, ўтган - кетганларнинг оғзи тегсин, деб обод қилганман, ўғлим. Лекин ўзим шу чоккача унинг мазасини тотиб кўрганимча йўқ, - дебди.

Бойвачча хайрон қолиб, сабабини сўраган экан ота:

-Мен бу меваларни есам, сиз менинг ёшимга етмай қоласиз, - дебди.

Бойвачча йигит чолни танибди. Ёзининг енгилтаклиги, умидсиз-лик билан яшашнинг нақадар ёмон эканлигидан хижолат чекиб пешонасига урибди.

БАЙТ:

Орзу – дараларда кезгувчи оҳу,

Умид етаклабди тоғлар бошига.

Машаққатга чидаб демасанг ё ҳу...

Асло етиб бўлмас унинг қошига.

Табиат гўзаллиги ўтмиш мутафаккир шоир адиблар эътиборини ўзига жалб этган. Улар ўз асарларида табиат гўзаллигини акс эттириб, ёшлар ва катталарда унга хавас уйғотганлар ундан баҳраманд бўлишга даъват этганлар. Улар яратган бу асарлар халқнинг гўзаллик тарбиясида муҳим восита бўлиб ҳизмат қилган ва қилмоқда .

Ўтмишда ота боболаримиз тарбияда насихат, тушунтириш, рағбатлантириш, мақташ, намуна кўрсатиш, танбех бериш, таққиллаш, мажбур қилиш пўписа қилиш кўрқитиш усулларида фойдаланганлар. Жамоа аъзолари бу усулларни қўллашда ахлоқ қоидаларига суянган ҳолда қилган иши ҳатти ҳаракатининг туғри ёки нотуғри ҳақида болага ишонч ҳосил қилишга ҳаракат қилганлар, унга ахлоқлилик ва

ахлоқсизлик одиллик ва одилсизлик яхшилик ва ёмонликнинг маъносини тушунтирганлар . Бу тартиб тарбияда асосий қоида ҳисобланган .

Боболаримиз бола ҳақи – улуғ ҳақларнинг улуғи булиб , бунга ота-она ва мураббийлар маъсулдир , дейдилар . шунинг учун бола ҳақларини билиш ва керакли пайтда адо этиш ота- она ва мураббийлар бурчидир . Бола ёшликдан вақтида ҳар хил тарбияга мойил булгани учун бу давр улуғ ғаниматдир. Шунга кўра , уни ёшлик – болалалик вақтидан бошлаб тарбия қилиш керак. Агар болага яхши тарбия берилса у бахтли саодатли бўлади яхши ишлари билан ота-она ва мураббийларни қувонтиради. Болаларни яхши тарбиялаш учун ота онанинг ўзи ахлоқли тарбияли бўлиши шарт болаларга берган тарбияларига ўзлари амал қилмаса ҳуқ атворларини тузатмаса, тарбиялаш ишини мунтазам ва доимий суратда олиб бормаса, тарбия бесамара булади. Ота- она болаларини тўғри сўзлаш ва тўғри ишлашга ўргатиб борса улар тўғри сўзлаш ва тўғри ишлашга одатланадилар.Ёмон тарбия болаларни бахтсиз қилади .

Ота-боболар қилган ўғитларга амал қилган болалар одобли гўзал фазилатли булиб камол топганлар . Гўзал фазилатли бўлган бола , ота-онага қариндош уруғларига дўстларга умуман ҳаммага мурувватли бўлади ,шафқат ва марҳамат одоб ахлоқ ва покликка риоя қилади. Фазилат сабали у инсонлик номини булғалашдан , номуссизлик виждонсизликдан пок бўлади. Шу туфайли ҳам ўтмишда донишмандлар “ Инсонинг биринчи фазилати бошқаларнинг ҳуқуқига шараф номус ва орзуларига ҳурмат ва риоя этишдир” деб уқтирганлар яна дейдиларки , “ Бу дунёда ҳар бир нарса ўзгаради фазилат қонунлари сира ўзгармайди. Донишмандлар амал қилган хикматларга ота боболар мурожат қилиб дейдиларки : “ Азиз болалар , ота- онангизни ҳурмат қилинг . Ота онани ҳурмат қилишингиз улар сизнинг қошингизда доимо муҳтарам эканликларидан далолат беради.

Ота-онангизни фақат ёшлари катта бўлгани учун эмас, балки чақалоқлик вақтингиздан то йигитлик вақтингизгача сизларни тарбиялаб едирб, кийдириб ,мактабга юборганлари ва ҳар насангизга диққат фидо этганлари учун раҳмат қилишга мажбурсиз.

Умрингизнинг ҳар куни ҳар соатида сизларга қилган хизматларини эсингизга тушинг . Ота - онага ҳурмат бутун умрингиз бўйича , энг бахтли шодлик ёки қайғулик вақтингизда ҳам давом этиши лозим.Уларга очик юз ширин сўз ва фидокорликни асло унутманг. Баъзи вақт қарилик уларнинг кайфиятларини бузади, хафа, кўнгилсиз бўлиб юрадилар, мана шундай вақтларда уларни овутинг кўнгилларини кўтаринг кулдиришга ҳаракат қилинг . Уларининг буюрган хизматларидан бўйин товламай адо этинг .

Ота - онани ҳурмат қилиш, улар олдида одоб билан туриб, хизматларини бажариш ҳамманинг бурчи, вазифаси. Ота-оналарингизни ранжитадиган сўзлар айтишдан, кўнгилларини қолдирадиган ишлардан доимо сақланинг.

Ақлли болалар ота-оналарини ҳурмат қилиб, кучлари етганича улар хизматида бўладилар. Ёмон сўз айтишдан, аччиқланиб қарашдан ўзларини сақлайдилар. Бир киши кечаси уйқудан уйғониб ўғлидан «сув бер!» деб сўради. Ўғли сув олиб келгунча, отаси яна ухлаб қолган эди. Ўғли: «Отам балки яна уйғониб сув сўрар», деб ухламасдан отасининг уйғонишини кутиб тонг отгунча ўтирди. Мана болалар, одобли, тарбияли бола шундай бўлади. Ота - оналарингизни иззат –

Ҳурмат қилишга, уларнинг олқишларини олишга ғайрат қилинг. Ҳар бир бола ота-онаси қилган насиҳатларни жон қулоғи билан эшитиб, насиҳатларига ҳар вақт амал қилиши керак. Ота - онасига озор бериб, уларнинг дилларини оғритадиган бола бахтли бўлмайди.

Халқ бекорга зўр ифтихор билан ота-она ҳақида қуйидагича шеър тўқимаган:

Ота - она бу қанотинг,

У билан муяссар лаззату - тотинг.
Ризосин излагин ота - онанинг,
Бўлмаса булғаниб ўтар ҳаётинг.
Азизим отам қалбим кўкида қуёш,
Онамчи шу қуёш ёнида йўлдош.
Қуёшу йўлдошим барқарор экан,
Иқболим кулгану, муяссар бардош.

-Болаларим! Энди мен сизларга ҳадислар асосида халқ томонидан яратилган ота - онани эъзозловчи иккита ривоят айтиб бераман. Ривоятнинг биринчисида отанинг ҳурматини жойига қўйиш масаласи илгари сурилса, иккинчисида эса онага муҳаббат ва унга хизмат қилишдек шарафли иш лўнда қилиб берилган. Ҳар ким ота-она ҳақидаги бу ривоятларни тинглаб, ўзи хулоса чиқарсин ва шу дақиқадан эътиборан уларга хизмат қилишдек савобли ишларни бошлаб юборсин. Мурод бобо деган анча ёшга бориб қолган бир киши бўлган экан. Мурод бобонинг учта ўғли бўлиб, куч - қувватда ҳеч ким уларга баробар келолмас экан. Улар ақл - фаросатда ҳам ҳаммага ибратли бўлиб ўсишган экан. Уларнинг каттаси -кулолчи, ўртанчаси – деҳқон, кенжаси-овчи экан.

Кунлардан бир кун шаҳарлик бир киши Мурод бобоникига меҳмон бўлиб келибди. Кечга бориб ҳаво айниб, қор ёға бошлабди. Эрталаб туришса, азбаройи қор кўп ёққанидан томнинг тўсинлари ҳирсиллаб, оғирликни кўтаролмай қолибди.

-Енгил пар қор ёғмай, муз аралаш қор ёғибди. Ҳали-замон ҳаво очилиб қуёш чиқса, қор эриб сувга айланади. тўсинлар кўтаролмай синиб кетиб, том босиб қолиши мумкин. Тезроқ томга чиқиб қорни кураб ташлаш керак, - дебди Мурод бобо ўғилларига.

Ўғиллари чурқ этишмабди. Мурод бобо гапини яна қайтарибди. Ердан садо чиқса чиқибдики, ўғилларидан садо чиқмабди. Жуссасидан куч

ёғилиб турган, тошни урса талқон қиладиган арзимаган ишни бажаришдан бош тортишларини кўриб, меҳмон ҳайрон бўлибди.

Отанинг амрини бажармоқ ҳам қарз, ҳам фарз. Отанинг гапини қайтариш ўта гуноҳ, ундай фарзанд дўзахда куймоққа маҳкум, - дебди меҳмон Мурод бобонинг фарзандларига қараб.

- Йўқ отамизнинг айтганларини бажара олмаймиз бўлмайди дебди, - Мурод бобонинг тўнғич ўғли, қолганилари ҳам уни маъқуллаб, бошларини силкитишибди.

Меҳмон « Булар, тарбиясиз, беодоб болалар экан » деб кўнглидан ўтказибди. Мурод бобо меҳмонни ташлаб ташқарига чиқай деса, уни ранжитиб қўйишдан чўчибди, уйда йотираверай деса, том босиб қолишидан қўрқибди.

- Арслонларим, мен рози. Учовингдан бировинг томга чиқиб, қорни кураб тушгин, - дебди яна Мурод бобо ўғилларига қараб.

Катта ўғил кенжасига «Сен томга чиқ деса, кенжа ўғил ўртанча акасига нукул «Сиз томга чиқинг» - дермиш.

Ўғилларидан биронтаси томга чиқмаслигини билиб турган Мурод бобо « бўлмаса, ҳовлини қордан тозаланглар », дебди.

Оталарининг гапи тугар - тугамас уч ўғил бирдан куракка ёпишиб, эшикка отилишибди. Бир нафас ўтар - ўтмас ҳовлини қордан тозалашибди.

- Меҳмон, ҳовлига чиқиб бир айланиб келмаймизми? – дебди Мурод бобо.

Уч ўғилнинг қилмишларидан ҳайрон бўлиб, боши қотиб ўтирган меҳмон «хўп бўлади» деб жавоб берибди. Улар уйдан чиқишлари биланок уч ўғил «Мен чиқаман», «Йўқ, мен чиқаман» деб тортишиб қолишибди.

Жуссаси кичикроқ кенжа ўғил лип этиб томга чиқибди - да, бир чой қайнами ятмасдан томдаги қорни кураб тушибди. Мурод бобо кенжа ўғлига раҳмат айтибди. Кейин учала ўғлини ҳам алдаб, юмушларига жўнатибди. «Ўғиллари гапига кирмади-ю, яна уларни дуо қилади-я», -

деб баттар хайрон бўлибди меҳмон. Дастурхон устида Мурод бобо меҳмоннинг фикрини билиб:

- Меҳмон, хайрон бўлманг. Одатимиз шунақа, - дебди. ҳеч нарса тушунмаган меҳмоннинг баттар хуноби ошибди.

Кеч кирибди. Мурод бобонинг ўғиллари бирин-кетин уйга қайтишибди. Катта ўғил келиб аввал меҳмонга салом берибди, кейин отаси билан кўришиб, олиб келган бир даста нонни унинг олдида қўйибди. Ўртанча ўғил ҳам аввал меҳмон билан кўришиб, сўнгра отаси билан сўрашибди-да, қўлидаги гўшт – ёғни отасининг ёнига қўйибди. Кейин

Кенжа ўғил келибди. Меҳмон билан кўришиб, отаси билан гапришиб, отган овини уларнинг олдида қўйибди.

Дастурхон устида меҳмон Мурод бободан:

-Боя ўғилларингизнинг томдаги қорни курашдан бош тортишларининг боиси не? – деб сўрабди.

-Бунинг сабабини ўзларидан сўранг, - дебди Мурод бобо.

Шунда меҳмон:

-Эрталаб, аввалига отангизнинг айтганларини қилмадинглар, яъни томга чиқиб қорни курамай, биз ташқарига чиққач, укангиз кураб тушди. Нега ота гапидан бош товладинглар? Бунинг боиси не? – деб сўрабди.

-Йўқ, меҳмон, ундай деманг, - деб жавоб қайтарибди катта ўғил, - отамизнинг ҳар бир сўзи биз учун муқаддас бўлганидек, у кишининг сўзи ҳам биз учун энг улуғ зот. Том устига чиқмаганимизнинг боиси шу эдики, уй ичида отамиз ўтирган эдилар. Ёишлоғимизда азал-азалдан шундай одат бор: ота уйда экан, бола том устига чиқмайди.

Меҳмон Мурод бободан сўрабди:

-Шундай яхши одатларингиз бор экан, нега энди сиз ташқарига чиқиб тура қолмадингиз?

-Сабаби, сиз ёнимда эдингиз. Меҳмонни ёлғиз қолдириш одобдан эмас. Бекорга халқимиз «Ота улуғ - отадан меҳмон улуғ» - деб айтмайди, - дебди Мурод бобо.

Бундай меҳмондўстликка ва одобга қойил қолган меҳмон Мурод бобо билан унинг ўғилларига қуллуқ қилиб хайрлашибди.

I Боб бўйича хулоса.

Ўзбек халқининг ва бошқа халқларнинг узок йиллар бола тарбиясида орттирган тажрибаси кучли қудратга эгаллиги ва халқчиллигини билган мутафаккирлар, шоир ва олимлар ўз фаолиятларида унга амал қилдилар. Улар халқ урф- одати ва анъаналарини ўрганиб, ўтмиш авлодлар донишмандлиги келгуси авлодлар учун кўзгудир деган хулосага келдилар ва уларни ташвиқ этдилар.

Халқ оғзаки ижодидан авлоддан – авлодга ўтиб келаётган ёдгорликларида (мақол, эртак, топишмоқ, ривоят, афсона ва достонларида) моддий дунёнинг моддийлиги, ҳаётда воқеа ва ходисларнинг содир бўлиши уларнинг сабаб ва оқибатлари, табиат ва жамият ҳодисаларининг бир- бирига боғлиқлиги, шакл ва мазмун бирлиги, бола тарбияси ҳақидаги тасаввури ифодаланган.

Халқ педагогикаси ана шу хусусиятлари билан илмий педагогиканинг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Унинг илмий педагогикадан фарқи шундаки, у тарихий, мантиқий ва қурилиш жиҳатидан ўзига хос хусусиятга эга.

Ҳамма халқларда ўтмишда оилада турли мавзудаги эртак, ривоят, достон, латифа, ҳикматларидан болалар тарбиясида кенг фойдаланилган. Ота- оналарнинг тунда уйқу олтидан айтиб берган эртакларидан болалари руҳий озик олган, ҳаётдаги ва одамлардаги яхши фазилат ва ёмон хислатларни билиб олишган, ҳурмат ва мурувват, адолат каби тушунчалар ҳақида тасаввурга эга бўлишган. Натижада бутун ҳаётлари давомида эртаклар уларнинг доимий ҳамроҳи бўлган, улар учун ҳаёт дарслиги бўлиб хизмат қилган ва ҳозир ҳам хизмат қилмоқда.

Маълумки, ҳар бир халқ педагогикаси бошқа халқлар педагогикаси билан боғлиқ ҳолда яратилган. Шу сабабли ҳам уларнинг ижтимоий – сиёсий, маданий ҳаётлари, тарихий тақдирлари ифодаланган урф-одатлари, анъаналарида ўхшашлик мавжуддир. Бу ўхшашлик уларнинг меҳнат, нафосат, ақлий ва ахлоқий тарбия соҳасида қилган ишларида ёрқин кўринади.

Мутафаккирларнинг илғор ғоялари – ёш авлодни ақлий ва жисмоний жиҳатдан етук, маърифатли, билим ва ҳунарларни эгаллаган, одоб-ахлоқ қоидаларини ўзида мужассамлаштирган, гўзал дидли ва завқли қилиб тарбияламоқда.

Табиат гўзалликлари болалар маънавий дунёқарашнинг таркиб топиши ва ривожда муҳим аҳамият касб этади, табиат ўз гўзаллиги билан уларни ўзига мафтун этади. Табиат лавҳалари ўзининг табиий кўрки билан болаларда ёрқин ҳиссиёт уйғотади. Гўзалликни хис этиш, гўзал дидли қилиб тарбиялаш манбаи бўлиши билан бирга , уларни инсонпарвар гўзал ахлоқли қилиб тарбиялашда ҳам муҳим мавқега эга бўлган. Буни яхши билган ота- оналар болаларининг диққат эътиборини ям-яшил қир адирларга боғ, дарё, денгизларга жалб этганлар. Ана шу гўзалликлар оламида ҳар бир нарса ўзгаради, аммо фазилат қонунлари сира ҳам ўзгармайди.

II БОБ. Бошланғич синф ўқувчиларига маънавий – ахлоқий тарбия беришда халқ педагогикаси манбааларидан фойдаланишнинг шакл ва усуллари.

2.1. Таълим - тарбия жараёнида бошланғич синф ўқувчиларини ахлоқий тарбиялашда ривоятлардан фойдаланиш имкониятлари.

Шарқ халқлари каби ўзбек халқида ҳам авлодлар тарбиясига таъсир этувчи, кишиларни одамийлик, эзгуликка етакловчи “халқ дорилфунунлари” бўлганини, уларнинг халққа таъсир кучи ғоят катта бўлганини эътироф этмоқчимиз. Биз азал-азалдан халқимизда кўпчилик иштироки билан ўтадиган ҳашарлар, болаларнинг турли ўйинлари, болалар ижоди, чойхона суҳбалари, учрашувлар, гап-гаштаклар, халфанаalar, тўй ва маъракалар, мавсумий байрамалар – гулбарра, лола сайллари, “бойчечак” айтиш, қовун сайллари, “янги меҳмон” туғилишини нишонлаш, қизлар мажлиси, келинларнинг қайнота, қайноналар олдидаги “юз очдилари”, “келин саломлари”, сумалак эчки ўйини, улоқ, ўйини, кураш, меҳмонда бўлиш, меҳмон кутиш, каби кўплаб маросимларни назарда тутаяпмизки дурдоналари сифатида авлодларни ўзбек халқига хос бўлган “ўзбекона”, “шарқона” тарбиялашда муҳим роль ўйнаган.

Халқ педагогикасининг умрбоқийлиги, ўлмаслигига сабабларидан яна бири унинг авлоддан-авлодга етказиш шаклининг атиқалигидир. Ҳато халқимиз ҳозиргидек оммавий ахборот воситаларига эга бўлмаган қадим замонларда ҳам халқ педагогикаси халқ оғзаки ижодиёти йўли билан қанот қоққан. Унинг тарбиявий таъсири болаларга она алласи билан сингдириб борилган.

Ўзбек халқининг асрлар мобайнида тўплаган халқ оғзаки ижоди хазинаси ғоят бойдир. У халқимиз маънавий маданиятининг олтин хазинаси ҳисобланади. Кекса авлод вакиллари ҳаёт тажрибалари асосида тепланган, шаклланган доно фикрларини қуёи авлодларга оғзаки ҳикоя, эртак, афсона, ривоят, топишмоқ, маталлар шаклида сингдиришга, ҳикматлари билан халқ қалбига кириб боришга интиланган. Халқ эртаклари, топишмоқ ва маталлар орқали балаларни ота-она ларининг, катталарнинг маслаҳатларига диққат-эътибор билан қулоқ солишни ўргатган, эртак қаҳрамонларидан намуна олишга ундаган.

Эртаклар фақат болаларгагина таъсир кўрсатиб қолмасдан, балки ота-оаналарнинг ўзига ҳам, уларнинг ҳаёт тарзига, қараш ва ишончларига, ахлоқий қиёфаларига ҳам таъсир этади.

Халқ хотирасида сақланаётган, авлоддан-авлодга ўтиб келатётган энг яхши эртак ва дostonлар, мақол ва маталлар, ашула ва топишмоқлар болаларни тарбиялайди, яхшиликка, меҳнат қилишга ва ҳақгўйликка ундайди.

Халқ оғзаки ижодида балаларни босиқликка, софдилликка, оддийликка ундаш билан бирга, улардаги гердаиш, ичи қоралик, чақимчилик ва бошқа салбий сифатлар қораланган: “Манманлик қилма, нетарсан обрўйингдан кетарсан”, “Сен ўзингни мақтама, сени бировлар мактасин”, “Эгилган бошни қилич кесмас”, “Мевали дарахтнинг мевси қанчалик кўп бўлса, унинг боши шунчалик пастга эгилади”, “Бахилнинг боғи кўкармас”, “Бировга гўр қазисанг, ўзинг йиқиласан”, “Эгри

ўлтириб, тўғри гапир”, “Кўрпангга қараб оёқ узат” сингари халқ мақолларида панд-насихат ифода этилган.

Кўплаб мақол ва маталларда билимли бўлиш улуғланади, билимсизлик қораланади. “Билаги зўр бирни йиқар, билми зўр мингни йиқар”, “Илми йўқнинг кўзи юмук”, “Илмсиз бир яшар, илмли минг яшар”, “Кўп ўқиган – кўп билар”, “Олим бўлсанг, олам сеники”, “Ўқиган ўғил – отадан улуғ” ва ҳоказо.

Ватанпарварлик, ватанни севиш мавсузи ҳам мақол ва маталларда акс этган. Ватанпарварлик каби сифтларни шаклантириш муҳим ўрин тутган. Масалан, “Киши юртида шох бўлгунча ўз юртингда гадо бўл”, “Она юртинг омон бўлса, ранги рўйинг сомон бўлмас”, “Элга қўшилганнинг кўнгли тўқ, элдан ажралганнинг бети йўқ”.

-Ўтмишда бир хукмдор шикорда адашиб, бир жойга бориб қолибди. Ногаҳон бир қизни учратиб, уни ёқтириб қолибди. Ёз юртига қайтгач, совчи юборибди. Совчиларга бориб, «у қиз нима деса ҳам рози қилиб келинглар», деб тайинлабди. Совчилар қизниқига боришибди. сиз совчиларга қарата:

«Агар подшонгиз мени ёқтириб қолган бўлса, бир шартим бор. Шуни бажариши керак, дебди-да, совчиларнинг қўлига бир халтача тутқазиб, сўзида давом этибди: Подшонгиз мана шуни тўлғазиб тилло берса, унга текканим бўлсин».

Совчилар қиз берган халтачани олиб бориб, подшога топшириб, қизнинг шартини айтишибди. Шунда подшо кулиб: «Шўринг қурғур камбағал ҳеч бўлмаса аравада тилло сўрамайсанми, шу кичик халтачада тилло сўрайсанми?» – дебди. Шундан сўнг халтачани ошириб-тошириб тиллога тўлғазинглар, деб буюрибди. Аммо қиз юборган халтачага подшонинг хазинасидаги ҳамма тилло - ю зарларни солишса ҳам ҳеч тўлмабди. Бундан ғазабланган подшо халқига беҳад кўп солиқлар солиб, йиққан ҳамма олтин-кумушларни солса ҳам бари-бир қизнинг халтачасини тўлғаза олмабди. Подшо охири вазирга: «Мўъжизанинг

сирини қандай бўлмасин шу кеча ўйлаб топиб кел» - деб буюрибди. Вазир ночор қиз қошига бош эгиб борибди...,— агар халтачанинг сирини айтиб беролмасам, подшо мени қатл этади, - дебди. -Бу халтачанинг тўлмаслигида ҳеч қандай сир, мўъжиза йўқ, - дебди қиз, кейин ердан - ўз она юрти еридан бир сиқим тупроқ олиб унга берибди - да, мана шуни мен берган халтачага солсин, деб уни изига қайтарибди. Вазир бир сиқим тупроқни подшога берибди. Подшо қизнинг айтганини бажо келтирган экан, халтача тезда тўлибди.

Қаранг-а она ернинг бир сиқим тупроғи унинг хазинасидаги олтин-кумушлар билан тўлмаган халтачани тезда тўлдирган экан. Қизнинг шартидан подшо: «Узоқнинг буғдойидан, яқиннинг сомони яхши», «ўзга юртда подшонинг хотини бўлганимдан, ўз юртимда камбағалга аёл бўлганим яхши» - деган маънони уқибди. Шу тариқа она диёрнинг бир сиқим тупроғи ўзга ўлканинг барча бойликларидан афзаллигини англабди - да, қизга уйланиш ниятидан воз кечибди.

Осмони остида яшаган, ҳавосидан тўйиб - тўйиб нафас олган, сувларини ичган, нонларини еган Ватанни жондан зиёда севиш, унинг номини буюк сақлаш керак.

Ватан кишиларнинг ҳурматли ва ҳар кимнинг шарафли бир фахридир. Шунинг учун Ватан тўғрисида мол - мулкни қизғанмаслик, куч - қувватни аямаслик зарур. Ватанга фидокор бўлмаган кимса бу заминда яшашга ҳам ҳаққи йўқ. Кимки она - Ўзбекистонимизда туғилиб ўсса-ю, уни оёқ ости қилса, Ватан гадоси - кафан гадоси бўлиб ўлади. Қаранг, Тўмарис, Широқлар ҳақида ҳам, буларнинг Ватан учун, она ер, халқ учун қон тўкканликлари тўғрисидаги афсоналарни сизларга кўп бор ҳикоя қилиб берганман. Одам худди ўшалар каби бўлиши учун интилиши, ҳаракат қилиши лозим. ўтмишда бир кекса кампирнинг Аҳмад исмли ўғли бўлган экан. У энди дастёр бўлганида, онасининг ялиниб - ёлворишига қарамай, бир неча бойваччаларга қўшилиб ўзга юртларга кетибди.

Бойваччаларда пул кўп. Аҳмад бошда уларнинг хизматида бўлиб қорини тўйдириб юрибди. Бойваччалар чет элга етишлари билан ўз ишлари билан турли томонларга бўлиниб кетишибди. Аҳмад ҳам тили бошқа, дини бошқа катта шахри азимда бир неча кун тентираб юрибди. Тиламчилик қилибди. Аммо қорни нонга тўймабди. Кунлардан бир кун очликдан мадори қуриб йиқилибди. Атрофига тўпланган одамлар орасида ўзи билан бирга келган ҳалиги бойваччалардан бири ҳам бор экан. У, - тур ўрнингдан, мана бу ўн танга пул, қорнингни тўқлаб ол, - дебди унга ўн танга пул бериб.

Аҳмад зўрға кўзини очиб қараса тепасида бир ой бурун ўзи билан бирга келган бойвачча йигит унга пул узатиб турган эмиш. Аҳмад уни кўриб ўзини анча тетик ҳис қилиб, ўрнидан туриб ўтирибди.

-Жон ука. Мени ўз юртимга олиб кетинг, мен бу ерда очликдан ўлиб қоламан, - дебди.

-Мен ўз юртимизда ҳў Аҳмад, ишла она тупроғимиз сени боқади, одамларимиз яхши сени оч қўймайди, онангни ёлғиз ташлаб кетма, унинг хизмати қил, дуосини ол дедим қулоқ солмадинг.

ўзга юртда пул кўп, дединг. Мана сенга ўзга юрт. Энди ниятингга етдинг, шу масканда яшайвер, - деб Аҳмаднинг олдидан бойвачча кета бошлаган экан Аҳмад бор кучини тўплаб унга ташланибди ва:

-Укажон, қулингиз бўлай, нима ишингиз бўлса адо этаман, илтимос, мени онамнинг олдига олиб кетинг, ўз юртимда ўлай, ўлигим ўзгалар юртида қолмасин, - дебди.

-Мен сенга еридан айрилган етти йил йиғлар, элидан айрилган ўлгунча йиғлар; бировнинг юртида бек бўлгунча, ўзингни юртингда ит бўл деб кўп насихат қилдим, кўнмадинг. Яна она ернинг тупроғи она сутидан азиз, дедим сен эса ўзга юртни, ўзга одамларни, ўзга тупроқни орзу қилдинг. Бизда эр йигит ўзи учун туғилар, эли учун ўлар, деган мақол бор. Хўш, сен йигит бўлиб элинг учун, кекса онанг учун нима хизмат қилдинг? ҳеч нарса.

- О укажон, мени онамга, Ватанимга олиб кетинг, деб
Аҳмад яна олдинга интилган экан у мадорсизликдан ерга
гурсиллаб тушибди, йиқилибди-ю жон берибди. Бойвачча эса
бунга парво ҳам қилмай ўз йўлида давом этибди.

Болаларим, Она – Ватанимизни, гўзал Ўзбекистонимизни астойдил
севинг, одамларни эъзозланг. Яхши инсонлар бўлиб камол топинг.
Аҳмадлар тўғрисидаги гаплар сизлар учун ривоят ва эртак бўлиб
қолаверсин.

Оилавий тарбияда халқ педагогикаси анъаналар, ривоят, эртак,
мақол, топишмоқ ва маталлар шаклида ўз ифодасини топган ва у
тарбиявий таъсир кўрсатиш востаси саналиб, тарбиянинг барча
қирраларини қамраб олган. Айниқса, инсон ва унинг тарбияси, ўз-
ўзининг тарбиялаш ва қайта тарбиялаш, болаликнинг ёш давлари,
уларнинг дангасалик ва инжиқликлари, ўйинлари, қизлар тарбияси
ҳақида ажойиб матал мақол, афоризмлар яратилган бўлиб, улар халқ
педагогикаси сабоғининг ёрқин намунасидир.

Халқ донишмандлигида ота-оналар ҳақида, уларнинг болалари билан
муносабатлари, онанинг маданий, тарбиявий таъсири, донолиги
атрофлича ёритилган. Масалан, оилада ҳамма киши бир кишига – отага
итоат этган. Отанинг ёки онанинг гапи икки қилинмаган. Отанинг
измидан чиқиш, у кишининг буйруқини бажармаслик, отага гап
қатъраиш, унга тик боқиш гуноҳ ҳисобланган. Ота фарзандининг ножўя
иши, қилиғи, гапи, қилмиши учун ҳақорат қилиши, сувиши, ҳатто уриши
мумкин бўлган. Лекин фарзанд отага тик боқмаган, отага ёки онага қўл
кўтармаган. Шу сабабли ҳам бундай тартибли оиларда бебоў ўғил, нопок
қиз бўлмаган. Ҳадисда ёзилганидек “Отага итоат қилиш – Тангрига
итоат қилишдир. Унинг олдида гуноҳ қилиш Тангри олдида гуноҳкор
бўлиш билан баробардир”.

Шуни эсдан чиқармаслик керакки, халқ донишмандлиги, анъаналар
авлодлардан-авлодларга ўтиш жараёнида шакл жиҳатидан ўзгаришларга

учрайди, лекин ўз мазмуни, тарбиявий таъсирини йўқотмасдан ҳозирги ва келгуси авлодларга хизмат қилади. Худди шу маънода халқ педагогикасини илғор тарбия ғоялари билан уйғунлаштириш, оилавий тарбияда қўлланилган анъаналарни йилдан-йилга шиклланиб бораётган янгилари билан бойитиш, тузумимиз учун садоқатли ёшларни вояга етказиш давримизнинг энг муҳим муаммоларидан биридир.

Шарқ халқлари, жумладан ўзбеклар болалар тарбиясига бефарқ карамаганлар. Ҳаётдаги ҳар қандай хатти-ҳаракатнинг ҳам оқибати тўғри баҳоланган. Ёшга монанд таъсир кўрсатиши йўл ва воситалари яратилган. Керак бўлганда рағбатлантириш турларидан фойдаланилган, лозим бўлса жазоланган. “Бир болага етти маҳалла ота-она” деб бежиз айтилмаган. Тарбия борасида хатоликка йўл қўйган бола у кимлигидан қатъи назар жазоланган. Ноахлоқий хатти-ҳаракатларни қисқа ва лекин ўта тарбиявий аҳамиятга эга бўлган “ёмон бўлади” ибораси билан тавсифланган.

Масалан, халқимизнинг қадимдан амал қилиб келаётган одоб-ахлоқ қиодаларига кўра нонга ҳурмат улуғланган ва нон ушоғи бехосдан ерга тушиб кетса, “ёмон бўлади” деб, уни қўлга олиб кўзга суртиб, ўпиб, оғизга солинган ёки четга олиб қўйилган.

Сувга туфлаш “гуноҳ” бўлади, “ёмон бўлади” деб тушунтиришган. Қадимда ҳовузларнинг суви ҳафталаб, ойлаб тоза турган. Бироқ, киши уни “ҳаром” қилишга ботинолмаган. Болаларга бу “ёмон бўлади” ибораси орқали етказилган.

Қозонга мушук ёки ит, сутга сичқон тегса ўша идишлар “ҳаром” ҳисобланиб, тоза сувда яхшилаб ювилган. Кечқурун қозон ювуқсиз қолса “ҳаром” бўлган... Кечаси ўй супурилмаган, супурги ётқизиб қўйилган... Икки қўлини орқага тираб чалқанча ётиш, бармоқларни занжир қилиш, оёқларни чалиштири, кўпчилик олдида узатиб ўтириш одобсизлик ҳисобланган.

“Ёмон бўлади” ибораси орқали катталарга ҳурмат, кичикларга ғамхурлик тарбияланган, етим болаларга, бошига мусибат тушган оилаларга сзор етказилмаган. Отага тик қараш, уларга терс жавоб бериш, қизларга, умуман хотн-қизларга беҳаёлик қилиш “ёмон бўлиш”ини ёшликдан тушунтирилган. Бунда боланинг ёши, хатти-ҳаракатлари, ўзига хос хусусиятлари ҳисобга олинган. Айримларига ноахлоқий хатти-ҳаракатларнинг ёмонлиги Қуръони карим, ҳадислардан: мисоллар келтириш, ҳикоялар айтиб бериш орқали ифодаланса, айрим ёшдаги болалар ота-она, ака-ука, она-сингил, қўни-қўнилари ижобий хатти-ҳаракатлари намунасида тарбияланган.

Бундай ахлоқий фазилатлар бола ақлини танимасдан, гапиришни билмасдан олдин ота-оналар турмуш тарзида ифодаланган. Кейичалик эса, “ёмон бўлади” ибораси орқали давом эттирилган.

Масалан, мусулмон фарзанди қуёш чиққунча ухласа, “ёмон бўлади”, эрта саҳарда эшик очилмаса, “ёмон бўлади”, “кнлик ризқимиздан бенасиб қоламиз” ибораларри болаларни эрта туришга ундаган. Кечки пайт қуёш ботиш арафасида ухласа, “ёмон бўлади” деб уқтирилган.

Ҳайвонларга, қушларга тош отма, озор берма, “ёмон бўлади”, меваларни тишлаб ташлама, “ёмон бўлади”, қуш уясини бузма, экинларни пайҳон қилма, “ёмон бўлади” каби иборалари орқали она табиатга ҳурмат, уни авайлаб асрашга ўргатилган, ҳозирги сўзимиз билан айтилганда экологик тарбия асослари берилган.

-Ривоят қилишларича, ўтган замонда бир девона бор экан. У девона «кўкка тупурса, бетга тушади», деб айтиб юрар экан. Ёнг кўзини кўрсаткич бармоғи билан кўрсатиб, «мана кўрдингларми» деб, кулиб кетаверар экан.

Шу гапдан бошқани айтмас, ҳеч ким билан сўзлашмас, бировдан бирор нарса тилмас экан. Ёша шаҳар подшосининг вазирлари девонанинг айтиб юрган сўзларини подшога етказишибди. Подшо девонани ўз ҳузурига чақиртириб келтирган экан, подшонинг ёнига кирганида ҳам,

таъзим қилиб ўз гапини такрорлабди: «кўкка тупурсанг, бетингга тушади» ва тупуриб кўрсатибди.

Девонанинг гапи ва қилиғи подшога манзур бўлибди-ю, унга қараб:

-Девона, бундан кейин бизнинг олдимизга ҳар куни эрталаб салом вақтида бир келасан - у, шу гапни айтиб, хазиначидан битта олтин олиб кетаверасан, - дебди ва хазиначига қараб: - Девонага битта олтин бергин! – деб буюрибди.

Девона пулни олиб куллуқ қилиб, айтадиган гапини яна бир марта айтиб чиқиб кетибди.

Шундан кейин девона ҳар куни эрта билан салом вақтида келиб, гапини айтиб, пулни олиб кетаверибди.

Девона подшоникига бир неча йил қатнагандан кейин сарой вазири подшонинг хазинасига ачинибдими ёки девона олган пуллари ўзи олгиси келибдими, бир иложини қилиб, уни йўқотмоқчи бўлибди.

Ўйлаб - ўйлаб, бир куни кечқурун ошпазига эрталабгача турли-туман таом тайёрлашни буюрибди.

Эрталаб туриб, дастурхон ёзиб, тайёрланган овқатларни тортиб, ўзи девонани пойлабди.

Девона вазирнинг ҳовлисига яқинлашиши билан вазир унга:

-Девона, бугун чойни бирга ичайлик, атайлаб сени пойлаб турибман, - деб, уни «йўқ» дейишига қарамай, судраб олиб кирибди.

Ўзи ҳам девона билан ўтириб, уни овқат ейишга қистайверибди. Бечора девона бундай лаззатли овқатларни умрида емаган, тушида ҳам кўрмаган экан, ёнига суриб қўйилган овқатларни оз-оз еб тўйиб қолибди.

Вазир девонанинг тўйганига қарамай, унинг олдида яна суриб қўяверибди, девонанинг кўзи очлик қилиб, ҳар хил овқатни аралаштириб еб сассиқ меъда бўлиб қолибди.

-Эй жаноби вазир, аҳволим ёмон-ку, энди подшонинг ҳузурига боришим кийин бўлади, - дебди девона вазирга.

-Ҳа, девона, нима бўлди? - ўзини билмасликка олиб сўрабди вазир.

-Эй тақсир, сассиқ меъда бўлиб қолдим-ку?

-Хеч нарса қилмайди, девона, - деди вазир.

-Нимага ҳеч нарса қилмас экан! Подшонинг ҳузурига кирган замон кекириб юборсам, оғзимдан чиққан бадбўй хид подшонинг димоғига етиб борса, ёмон бўлади-да, - дебди девона.

-Эй девона, шуни ҳам ғамини едингми, бу жуда осон-ку! Сен саройга етиб боргач, енгингни мана бундай оғзингга тутиб киргин, то чиққунча оғзингдан олмагин, - деб ўргатибди вазир.

Бу гап девонага ҳам маъкул келибди.

Вазир девонани жўнатиб, ўзи ундан аввалроқ подшо ҳузурига келибди ва:

-Мен сизнинг давлатингизга, хазинангизга ачинаман, подшоҳим, - дебди.

-Хазинадан бирор марта ножўя пул чиқдимики, ачинасан!- дебди подшо.

-Бу лаънати девона кўчаларда сизни ёмонлаб, шаънингизга бўҳтон сўзларни айтиб юрганмиш, сиз бўлсангиз, унга ҳар куни битта олтин инъом қиласиз.

-Мен ҳақимда нималар дер экан? – деб сўрабди подшо. «Подшонинг ўзи ҳам сассиқ, унинг суҳбати ҳам сассиқ. Мен ундан қўрқанимдан саройга бораман, бўлмаса унинг берган пули қуриб кетсин», деб айтаётганини ўзим эшитдим. Илгари ҳар кимдан эшитиб юрар эдим-у, ишонмасдим. У яна «Подшоҳнинг суҳбати шундай сассиқки, мен унинг ҳузурига кирганимда димоғимга енгимни тутиб кираман ва ўша ердан чиққунча енгимни димоғимдан олмайман», деб айтибди. Менга ишонмасангиз, келганида кўрасиз, - дебди вазир.

Бир пайт подшо ҳузурига енгини оғзи-бурнига тутиб девона келиб қолибди.

Вазир подшога қараган экан, подшо кўзи билан тасдиқ аломатини қилибди. Девона айтадиган гапини айтиб бўлганидан кейин, подшо бир

қоғоз халтанинг устига: «Шу халтачани олиб борган одамга юзта олтин берилсин», -деб ёзибди. Вазир подшонинг ўнг томонида ўтирган экан, устидаги хатни ўқибди. Подшо уни девонага узатибди ва:

-Бориб олгин, ҳаммаси сенга, - дебди.

Девона саройдан чиқиши билан вазир унга етиб олиб ва унинг йўлини тўсиб:

-Девона, бу мукофотни менга берсанг бўларди, биз дўстлашдик-ку, - дебди.

- Мана, ола қолинг, - деб қўлидаги халтани унга узатибди ва саройдан чиқиб кетибди. Вазир яна бир марта ўқиб, шошиб хазиначининг ёнига борибди.

Хазиначи қараса, халтача устига, «Шу халчатани олиб борган одамга юзта олтин берилсин», деб ёзилган. У «бу ерда бирор сир йўқмикан» деб ўйлабди ва вазирга:

- Бирпас туриб турсалар, ҳозир олиб чиқаман, - дебди.

Халтачанинг ичини очиб қараса, ичида бир хат бор экан. Унда: «Шу хатни олиб борган одамни махфий хужрага олиб кириб ўлдиргин!» деб ёзилган экан. Хазиначи махфий хужрадаги жаллодга: «Эшикдан кирган кишини чопиб ташла!» - деб тайинлабди-да, вазирнинг ёнига чиқиб:

- Марҳамат, тақсир, мана бу хужрадан оласиз, - деб, вазирни махфий хужрага киргизиб юборибди.

Эртаси куни эрталаб ҳамма вазирлар, уламолар саройга йиғилганда, девона ҳар кунги одати бўйича келиб, ўз сўзини айтибди. Подшо ҳайрон бўлиб, хазиначига одам юборибди, у келгач, сўрабди:

- Нима учун менинг буйруғимни бажармадинг?

- Бажардим, - дебди хазиначи.

- Олдингда турибди-ку, яна бажардим дейсан! – деб бақирибди подшо.

- Мен буйруғингизни бажардим, - деб подшонинг кечаги хатини ўзига кўрсатибди.

- Бу қандай бўлди экан? – деб подшо ҳайрон бўлибди.

- Девона, кеча бўлган воқеаларни айтиб бергин, - дебди подшо.

Девона кеча эрталаб вазирнинг зиёфат қилганини, сассиқ меъда бўлганини, вазир унга енгини оғзига тикиб боришини тайинлаганини, подшодан халтачани олиб хазинага кетаётганида вазир чиқиб халтачани ундан сўраб олганлигини айтиб берибди. Ва доимгидек «кўкка тупурсанг, бетингга тушади» деб ҳаммага кўрсатибди.

- Девона, бугундан бошлаб ҳар куни бир олтин эмас, беш олтин оласан ва шу гапингни ҳамма вақт айтиб юргин, - деб буйруқ берибди подшо.

2.2. Бошланғич синф ўқувчиларини маънавий – ахлоқий камол топтиришда мактаб ва оила ҳамкорлиги.

Мамлакатимизда болалар тугрисида, оналар хақида гамхурлик қилиш чинакам давлат аҳамиятиг молик ишдир. ”Жамики яхши нарсалар- болаларга ”шиори янада баралла жарангламокда. Кейинги йилларда мазкур масала юзасидан қабул қилинган қарорлар фикримизнинг исботидир.

Маълумки, бола мактабга келгунга қадар ҳам, асосан оилада тарбияланади. Оила давлатнинг асосий қуртаги сифатида кўрсатиши табиий ҳолдир. Оила аъзоларининг маънавий бирлиги ёшларни ҳар томонлама камол топтиришнинг дастлабки ва асосий омилларидан бири ҳисобланади.

Болаларни баркамол инсон қилиб етиштиришда мактабни оила билан мустаҳкам боғламай туриб, тарбия соҳасидаги бутун ишларни муваффақиятли амалга ошириб бўлмайди. Шу мақсадда ота- оналар ўртасида таълим-тарбияга оид ташвиқот ишларини кенгайтириш уларни мактабнинг фаол ёрдамчиларига, ўқувчиларнинг синфдан ва мактабдан ташқаридаги ишларида ҳар томонлама фойдали ташкилотчиларига айлантириш зарур. Жамиятнинг жадал ривожланиши, фаолият

турлариниг тобора. Мураккаблашиб бориши шахс онгига кўрсатаётган таъсирларнинг кучайишига олиб келмоқда. Мана шундай шароитда кишининг мавжуд билими, касб – ҳунари, малакалари камлик қилиб қолмоқда. Энг аввало, инсонларда оилада таркиб топган дид, фаросат, ақл, одоб эмоционал маданиятга муҳтожлик сезилмоқда. Эстетик, ахлоқий ва бошқа тарбия сифатлари кундалик ҳаёт эҳтиёжига айланиб бормоқда. Табиийки бундай сифатларга оилавий тарбия орқали асос солинади, камол топтирилади. Туғри, бунда ижтимоий тарбиянинг ўрнини инкор этиб бўлмайди. Ана шу нуқтаи назаридан уларнинг монолит бирлигига, ўзаро ҳамкорликларига асослансак, баркамол инсон тарбиясида муваффақиятларга эришиш мумкин. Оилавий тарбия педагогика фанида мураккаб муаммоларидан биридир. Унинг мураккаблиги шундаки, ҳар бир оила ўзига хос ибтидоий гуруҳ бўлиб, тарбияда фақат мазкур гуруҳга хос хусусиятларга асосланади.

Таъкидлаганимиздек, оилавий тарбияни ижтимоий тарбия билан алмаштириш болалар камолотига салбий таъсир кўрсатади. Масалан, ясли, боғчаларга бормай фақат оилада ўсган ва вояга етган болалар мактабга борганларида ўз тенгқурлари ичида кўп жиҳатлари билан ажралиб туради. Оиланинг баолаларига моддий ва маънавий ғамхўрлигини, кўсатаётган тарбиясини ясли, боғча тарбияси билан ёки, аксинча, ясли, боғча тарбиясини оилавий тарбия билан алмаштириб бўлмайди. Фақат ўзаро ҳамкорлик масалани ижобий ҳал этиш имкониятини беради.

Лекин ўзининг хусусиятлари ва такрорлансмас таъсири билан оила бола тарбиясида муҳим омиллилигича қолади. Амалиётда кузатганимиздек болада ота-онасининг меҳри, эркалашлари асосида ота-оналарига, қариндош- уруғларига бўлган хиссиётлари шаклланади. Боланинг отасига бўлган ҳурмати онанинг ҳурматини жойига қўйишда асос бўлади. Онага бўлган меҳр – мухаббат оқибат натижада ўз

оиласига, хотини фарзандларига бўлган муносабатларда ўз аксини топади.

Иккинчи томондан балалар ҳам ўз ота- оналарига таъсир кўрсатадилар. Оилавий алоқаларни оилавий қизиқиш, маънавий қониқиш хисларини такомиллаштиришга сабаб бўлади.

Ота- оналарнинг ўзига ва болаларига бўлган талабчанлиги, катта ва кичикларнинг ўзаро муносабатлари, дўстона муҳит, ишонч ва ўзаро бир-бирларини тушиниш оила, мактаб ва жамоатчиликнинг болалар тарбияси юзасидан олиб борилаётган муҳим омилларидан биридир. Бундай birlikнинг рўёбга чиқишида, энг аввало ота- онанинг сиёсий онглилиги муҳим роль ўйнайди. Чунки, ота – оналарнинг фаоллиги оилавий ҳаётда ўз ифодасини топади. Шу маънода болалар ўз ота – оналарининг сиёсий ва фуқаролик қиёфаларига қараб ўз хулқ атворларини тартибга соладилар, хурматларини жойига қуядилар.

Болалар улғая бошлаши биланок ўз ота – оналарининг қаерда ишлашлари, жамиятда тутган ўринлари, уларнинг билимига қизиқа бошлайдилар. Шунинг учун ҳам ота – оналарнинг нималарга қизиқишларини, кимлар билан сафдош эканликларини болалар мумкин қадар эртaroқ билганлари маъқул. Ота – она қандай ишда бўлмасин уни жиддий, эл хурматига лойиқ бир иш деб биладиган булиши керак. Бу борада оиладаги тарбиянинг мақсадга мувофиқ ташкил этилиши юзасидан жавобгарлик маълум даражада мактабга юкланади. Оиладаги ҳукмронликнинг тарбиявий жихатдан туғри бўлишини таъминлаш мактабнинг муҳим вазифаларидан биридир. Оилавий тарбиянинг мазмунли ташкил этилишига дастлабки таъсирни мактаб белгилайди. Мактабгина оилавий тарбия самарадорлигини ошириш юзасидан раҳбарлик қила олади. Бу вазифаларнинг муваффақиятли бажарилишида, ижобий ҳал этилишида ота – оналар ўртасида олиб бориладиган тарбияга оид тарғиботнинг роли бениҳоядир. Чунки ота – оналарни ҳозирги замон рухий таълим – тарбиявий билимлар билан

куроллтирмай туриб, оилавий тарбияни йўлга қўйиб бўлмайди. Оммавий тарбиявий тарғиботда энг яхши оилалар намунасида таъсир кўрсатиш энг мақбул йўлдир. Бола тарбияси юзасидан оила, мактаб ва жамоатчилик ҳамкорлиги ҳозирги кунимизнинг долзарб масалалиги ҳам мана шундадир. Чунки, биринчидан, бола тарбиясида оила, мактаб ва жамоатчилик ҳамкорлигининг ўзи мқраккаб жараён бўлиб, бунда муаллимлардан ташқари ишлаб чиқариш жамоалари вакиллари, ёшлар, касаба уюшмалари иштирок этадилар. Иккинчидан, ота-оналар ва қариндош-уруғлар турли меҳнат жамоаларининг вакиллари бўлиб, ишлаб чиқариш ва ёру дўстларининг маънавий ҳаётларидаги омилларни муҳокама қиладилар, уларнинг ҳаётга, санъатга, оилавий мажбуриятларга бўлган муносабатлари ҳақида гапирадилар. Шу сабали ҳам мана шундай тоифа оилаларида тарбия топаётган болалар бошқа ота-оналарнинг кўчада, жамоат жойларидаги ҳаёт фаолиятларига қараб ўз ота-оналарига баҳо берадилар. Тўпланган тажрибаларини ясли, боғча, мактабдаги ўртоқлари билан муҳокама қиладилар ва ҳоказо. Учинчидан, ўзбек оилалари, уларнинг ҳаёт тарзи жумҳуриятимиздаги улкан ижтимоий воқеалар натижасида сифат жиҳатидан ўзгаришларга учратмоқда. Шу сабали ҳозирги кунда оилавий тарбияда сифат ва мзмун жиҳатидан ўзгаришлар қилиш учун янги самарадор йўл ва усуллар қидирилмоқда.

II Боб бўйича хулоса

Бошланғич таълим тизимида фаолият олиб бораётган ўқитувчининг ижодий ишлашида халқ ривоятларидан фойдаланиш катта аҳамиятга эгадир.

Маълумки, ҳар хил ижодий ишлар учун керак бўладиган тасаввурни ўсишига халқ эртакларининг бой фантастикаси ёрдам беради. Шунини ҳисобга олган ўқитувчилар ундаги воқеа ва ҳодисаларни ҳаётга

боғлайди. Фантазиянинг сирини болаларга тушунтиради. Яъни ўқув йили давомида ўқувчилар табиатдаги ўзгаришларни доимий равишда кузатиб боради. Ўқитувчи ўқувчилар билан экскурсия дарсларини ўтказади.

Илғор тажрибага эга бўлган ўқитувчилар ривоятларни ўтишда қуйидагиларга амал қиладилар. Улар ривоятни болага шундай бадий сўзлайдиларки, гўё ривоят қаҳрамонларининг ўзлари сўзлаётгандек бўлиб туюлади Ўқитувчининг образга кириб сўзлаши ўқувчиларни ривоятга мафтун этади. Бу эса ўқувчиларни ривоят қаҳрамонларининг ички кечинмаларини англашга, улардаги ахлоқий фазилатларни эгаллаб олишига имкон беради.

Ахлоқий тарбияга, жумладан, болаларни маънавий – ахлоқий руҳда тарбиялашга оид халқ ривоятларини бошланғич таълим жараёнида ўрганиш юзасидан қуйидагиларни тавсия қиламиз.

1. Халқ ривоятларини ўрганишда ахлоқий тарбияга; жумладан, болаларда маънавий – ахлоқий фазилатларини тарбиялашга хизмат қилувчи ривоятларни саралаб олиш.
2. Ривоят ҳикоя қилиб берилгандан сўнг, мустақил ўқитилади, ўқиш жараёнида айрим, тушунилиши қийин сўзларга изоҳ бериш.
3. Ривоятнинг ғояси савол- жавоб билан очиш.
4. Ривоятнинг сюжети асосида расм чиздириш.
5. Ривоят қаҳрамонларининг сифатлари ҳаётдаги айрим кишилар характерларига, сифатларига солиштириб ўз хулосаларини мустақил айтишлари ўқувчилардан талаб этиш.
6. Ривоятнинг мазмуни асосида ўқувчи ақлий фаолиятининг ривожлантирилишига доир мустақил иш ўтказиш.

УМУМИЙ ХУЛОСА

Инсоният тараққиётида авлоддан-авлодга кўчиб, тарих синовларидан ўтиб келаётган умуминсоний ва маданий-маънавий қадриятлар, миллий анъаналар, ахлоқий омиллар ва урф-одатлар муҳим аҳамият касб этиб келган. Чунки улар халқнинг жамоа ижодкорлигининг маҳсули бўлиб, инсонларнинг талаб-эҳтиёжлари замирида ақл-заковат билан яратилган, уларнинг тасаввури, дунёқараши, тафаккури, орзу-армонлари, эътиқоди ва ахлоқ-одоб қоидаларини ўзида мужассам этган, жамиятнинг маънавий-маданий ривожига катта ҳисса қўшувчи моддий ва маънавий бойлиги бўлган.

Халқнинг бу бойлиги, биринчи навбатда асрлар давомида авлоддан-авлодга ўтиб келаётган ўзбек халқ оғзаки ижоди асарлари — кўшиқ, мақол, топишмоқ, афсона, ривоят, латифа, эртак, нақл ва дostonларда ўз аксини топган. Чунки уларда халқнинг педагогик ғоялари, дунёқараши, руҳий кечинмалари, маънавий-ахлоқий идеаллари ўзига хос йўсинда аниқ, ибратли ва қизиқарли тасвирларган, ҳикоя қилинган воқеа-ҳодисаларда ўрнатилган бўладиган ўғитлар берилган, халқнинг ҳаётий тажрибаси, миллий анъаналари, урф-одатлари ва фалсафаси баён этилган. Халқ оғзаки ижоди асарлари бадиий жиҳатдан юксак такомилга эга эканлиги, тингловчиларнинг, айниқса, ёш болаларнинг осон тушунишига, идрок этишига қулайлиги туфайли халқ педагогикасининг энг муҳим, кўп қамровли ва тарбиявий таъсири ғоят кучли тармоғи ҳисобланади. Чунки, мақоллар халқнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва маданий тажрибалари, ҳаётий кузатишлари асосида вужудга келган фикрларни лўнда, аниқ ва образли ифодаловчи бир восита бўлса, нақллар ҳаётий тажрибалари, насиҳатомуз фикрлари, донишмандлиги, ахлоқ қоидаларива фалсафасини содда сюжет, ибратли мазмунда ифодаловчи ҳикоялардир. Эртаклар эса фалсафа, ахлоқ, дин, бадиий тўқима ва ҳаёлотга асосланган халқ донишмандлигининг маҳсулидир. Шу боис эртакдаги тўқима воқеа-ҳодисалар силсиласида халқнинг маънавий қадриятлари, урф-одатлари, ахлоқ-одобнинг ўзига

хос миллий хусусиятлари намоён бўлади. Ривоятлар ҳам асосан ижтимоий-маиший воқеаларни, тарихий шахс ва ҳодисаларни уйдирмалар воситасида баён этувчи кичик хажмли ҳикоялар бўлиб, уларда лутф ва назокат, ақл ва идрок, ишқ ва вафо, адолат ва саҳоват, ватанпарварлик ва меҳнатсеварлик мадҳ этилади, зулм ва зўрлик, ҳақизлик ва босқинчилик қораланади.

Айниқса, халқ оғзаки ижодининг йирик намунаси ҳисобланган ривоятларда умуминсоний қадриятлар мужассамлашган бўлиб, уларда халқнинг турмуш тарзи, ахлоқ-одоби, урф-одатлари, маросимлари, анъаналари, орзу-умидлари, эрк ва озодлик йўлидаги мардонавор курашлари, ватанпарварлиги, севги-муҳаббатга садоқати, яққол ифодаланган.

Фойдаланган адабиётлар рўйхати.

1. Ўзбекистон Республикаси “Таълим тўғрисидаги қонун” Тошкент “Ўзбекистон” 1997 йил.
2. Ўзбекистон Республикаси “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” Тошкент.
“Ўзбекистон” 1997 йил.
3. Аждодлар ўғити. Тошкент, 1991 й, 154-б.
4. Боболардан-болаларга (тўпловчи Баракаев Р), Тошкент, «Юлдузча» нашриёти, 1989 й. 125-б.
5. Баратов Ш. Кичик ёшдаги ўқувчилар фаолиятини баҳолаш. «Ўқитувчи» нашриёти, Тошкент, 1992 й, 45 б.
6. Баратов Н., Аликулов Х. Ёрта Осиё мутафаккирлари ахлоқ ҳақида. «Ўзбекистон» нашриёти, Тошкент, 1974 й, 48-б.
7. Баҳодиров О. Янгича анъана ва урф-одатлар ҳаётга. «Ўзбекистон» нашриёти, Тошкент, 1985 й, 42-б.
8. «Бир қалпоқ олтин». «Чўлпон» нашриёти, Тошкент, 1995 й.
9. Бизнинг архивимиздаги халқ оғзаки ижоди жанрлари: «Алла-қўшиқлар, эртақлар, ривоятлар, мақоллар, топишмоқлар, тез айтишлар».
10. Бозорова М. «Кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларни дўстлик ва ўртоқлик хисларини тарбиялашда халқ анъаналаридан фойдаланиш». Канд.дисс. Тошкент, 1994 й.

11. Беруний А.Р. «Рухият ва таълим тарбия ҳақида». «Ўқитувчи» нашриёти, Тошкент, 1992 йил.
12. «Боғчага-дўмбоқчага». «Чўлпон» нашриёти, Тошкент, 1992 й, 210-б. Бадий терма китоб. Боғчаларнинг катта гуруҳлари учун. Тошкент, 1996 й, 322-326-б.
13. Бошланғич таълим журнали, 1996 й, 2-6-7-8-сонлар: «Бойчечак». Тошкент, 1989 й.
14. Валиева Н. «Ҳалоллик ва софдиллик нима?». Рисола. Тошкент, 1968 й.